

O'ZBEKISTON adabiyoti va san'ati

ADABIY-BADIIY,
MA'NAVIY-MARIFIY,
IJTIMOIY GAZETA

1956-yil 4-yanvardan
chiqa boshlagan

2023-yil 8-iyul
№26 (4737)



СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИ – ДЕМОКРАТИЯНИНГ АСЛ ИФОДАСИ

2023 йил Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов демократик сайлов қондалари асосида ташкил этилган сайловолди ташвиқотларда тасдиғини топди. Давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида улкан ижобий ўзгариш ва юксалишлар рўй бераётганини нафақат халқимиз, балки олам ахли ҳам кўриб, ҳайрат ва ҳавас билан кузатиб, хайрихоҳ бўлиб турибди. Мамлакатимиз, халқимиз, жамиятимиз, одамларнинг онгу тафаккури ўзгармоқда.

Миллий ва халқаро экспертлар ҳақли равишда қайд этганларидек, сайловларнинг янги аҳамияти, биринчидан, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётгани, иккинчидан, сиёсий партияларнинг сайловолди платформалари ранг-баранглик касб этиб, жамият ва давлат ҳаётидаги муҳим муаммоларни ечишга қаратилаётгани, учинчидан, оммавий ахборот воситаларининг том маънодаги “тўртинчи ҳокимият” сифатида ўз ўрнини эгаллаётгани билан бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида, хусусан, электрон нашрларда, ижтимоий тармоқларда, учрашув ва анжуманларда юрдошларимизнинг ўз фикрларини очик-ошқора, дадил айтаётганининг ўзи халқимиз эришган улкан ютуқлардандир. Айни пайтда бу – сайловларимизнинг демократия тамойиллари асосида, ҳалол ва адолатли ўтишининг ўзига хос қафолати, жамоатчилик назоратининг ўзига хос шакли ҳамдир.

2023 йил 9 июль кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президент сайлови илк бор Сайлов кодексини, конституциявий қондалар ва халқаро сайлов стандартлари асосида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини муносиб ўтказиш мақсадида барча жараёнлар қонунчилигимизга мувофиқ тарзда босқичма-босқич олиб борилди. 2021 йил 14 сентябрь

кунини Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олди.

Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотини 2023 йил 7 июндан бошлаб кузатиш.

Сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолиятдир.

Ташвиқотлар номзоднинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни номзодни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш, ташвиқот омма олдида очик мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, фуқароларнинг йиғилишлари, интервюлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилди.

Ташвиқот оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали, босма, кўргазмалар, аудиовизуал, плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни чиқариш ҳамда тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, ташвиқот олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳажмига кўра бир хил

эфир вақтини ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шaroитлар таъминланди.

Сайлов кодексининг 43-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод ўн беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлишга ҳақли. Номзод ёки унинг ишончли вакили бошқа номзод ёки унинг ишончли вакили билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд бошқа номзод томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақли.

Жумладан, Улуғбек Иноятовнинг 15 нафар, Шавкат Мирзиёевнинг 14 нафар, Робохон Махмутова ҳамда Абдушукур Ҳамзаевнинг 15 нафар ишончли вакиллари ташвиқот ишларини олиб бордилар.

Сайлов кодексининг 44-моддасига мувофиқ, сайловолди ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охири куннинг эртасидан эътиборан бошланган.

МСКнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг республика ва маҳаллий телерадиоканалларида бепул ажратиладиган эфир ҳажми ва вақти, шунингдек, “Янги Ўзбекистон”, “Правда Востока”, “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Овози тожик”, “Нурлы жол” ва маҳаллий газеталарда бепул ажратиладиган нашр майдони тасдиқланди.

Шунингдек, бу йилги президентлик сайловида ОАВ, шу жумладан, телевидение, радио, газета ва журналлар, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари, бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғи, босма, кўргазмалар, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини, яъни плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни чоп этиш ҳамда тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилаётганининг ўзи Янги Ўзбекистонда демократик сайловнинг амалий ифодаси, десак муболага бўлмайди.

Эътибор берсангиз, фуқароларга Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти (saylov.uz) ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали сайловчилар рўйхатидан ўзларига тегишли маълумотлар билан танишиш имконияти яратилди, шу жумладан, улар ўзи овоз берадиган сайлов участкаси ва унинг жойлашган жойи ҳақида тўлиқ маълумот олишлари мумкин. Шунингдек, участка сайлов комиссияси биносидан ҳам сайловчилар рўйхати билан танишишлари мумкин.

2023 9-IYUL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

Шеърлий лаҳза

ЧОРЛОВ

Кеча, бугун эмас, минг йиллар аввал,
Жаҳонга танилган доноларимиз.
Барча асрларда эрк бўлган афзал,
Эрк учун курашган боболаримиз.

“Ўтган ўтди” десак, бу бўлур хато,
Мумкинми унутмоқ бир зум тарихни.
Бугун юраклардан чиқмаса садо,
Эрта кун олгумиз қандай таърифни.

Ишонч, ҳамкорликка чорлаб турибди,
Жаҳон минбарига ўзбекининг сўзи.
Адолат машғали порлаб турибди,
Ҳавас қилар бизга бутун ер юзи.

Ватандир инсонга муқаддас макон,
Сен Ватан шаънига юқтирмагин гард.
Бўлсанг гар фидойи, бўлсанг чин инсон,
Шу юрт равнақи-чун яшамогинг шарт.

Зўр, буюқ ишларга қодир эрур халқ,
Бирлигимиз қучдир, эркин, хурликдир.
“Бирлашган ўзади” деган эрур ҳақ,
Овоз бермоқлик ҳам асли бирликдир.

Мустиқил бундан гурқираб ҳаёт,
Бўлсин десак ҳаёт фаровон ва саз.
Энг эзгу ишларга биз бўлиб қанот,
Муносиб номзодга берайлик овоз!

Анвар ТОҒАЕВ



ТАДҚИҚОТ, АХБОРОТ

«МАХЗАНУ-Л-АСРОР»

маснавийсининг
эски қўлёзмалари



Мир Ҳайдар XV аср биринчи ярми Теуриятлар даври туркий адабиётининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири бўлиб, «Махзану-л-асрор» маснавийсини билан шуҳрат қозонган.

Эски ёзма манбаларда шоирнинг оти бир неча кўринишда учрайди.

«Махзану-л-асрор»нинг Абдураззоқ бахши кўчирган қўлёзма нусхасидаги асар сарлавҳасида муаллифнинг оти унвон билан «Мавлоно Ҳайдар» дейилган.

Асарнинг Истанбулдаги Тўпқопи Саройи кутубхонасида сақланаётган қўлёзмадаги сарлавҳада муаллифнинг оти лақаби билан «Мавлоно Ҳайдар телба» дея тилга олинди, унинг ўзи «Султон Искандар Шерозийнинг моҳири экандур» деб қайд этилган. Бу ўринда «моҳир» – «мақтовчи, маддоҳ, мадҳ этувчи» аниқлашди.

«Махзану-л-асрор»да шоир ўзининг отини «Ҳайдар» ва «Ҳайдарий» деган. Мана ўшанинг мисоли:

*Тутти жижон замзама-ий Ҳайдарий,
Тўлди садо гумбад-и иллуфарий.*

Шайх Аҳмад Тарозий ўзининг «Фунуну-л-балоғат» отли адабиётшунослик китобида шеър турлари тўғрисида сўз юритар экан, улуг шарқ классиклари асарларидан ўрнаклар келтиради. Уларнинг бошланғичи эгалари унвону фазилатлари билан эзиб қўйилган. Шулар орасида Мир Ҳайдар ҳам бор. Уни «Мавлоно Ҳайдар» деб атаб, шеърларидан ўрнаклар келтирган.

Алишер Навоий «Маҷолис ун-нафоис» таъкирасининг иккинчи мажлисида шоирга махсус бўлим ажратиб, унинг отини «Мир Ҳайдар мажзуб» деган. Классик матнлар, хусусан, Навоий асарларида «мажзуб» сўзи «акдан озган, телба; хақиқий ишқ жозибасини кечирган киши» маъноларида келади. Мир Ҳайдар отига қўшилиётган лақаб, харқалай, тасаввуфий маънода «хақиқий ишқ жозибасини кечирган киши» дегани бўлуви керак.

Муסיқий публицистика муסיқашунослик фани тизимига мансуб махсус муסיқий-адабий фаолиятни амалга оширадиган, мамлакатимиз аҳолисининг маданий-эстетик дунёқарашини бойитиш баробарида жамиятнинг ижтимоий тафаккурини юксалтиришга хизмат қиладиган муҳим илмий ижод тури ҳисобланади.

МУСИҚИЙ ПУБЛИЦИСТИКА НАМОЯНДАСИ

Бугунги кунда Ўзбекистон муסיқашунослик публицистикасининг ёрқин намояндаси таниқли олима, замонавий муסיқа санъатининг жонқуяр тарғиботчиси Инесса Гулзаровадир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Инесса Гулзарова эллик йил давомида соҳанинг етуқ тадқиқотчиси сифатида мамлакатимиз муסיқа санъатининг солномасини яратишга салмоқли хисса қўшиб келмоқда. У юртимизда муסיқа санъатини фаол тарғиб этибгина қолмай, балки муסיқий асарнинг гоё ва мақсадини илмий-оммабоп услубда кенг оммага етказа олади.



2023 ЙИЛ – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ ИЛМ ВА ҚАТЪИЙ ИНТИЗОМДА

– Гапни бизга яратилган шарт-шaroитлардан бошлайлик, ана шунда ҳаммаси аниқ-равшан бўлади, – деди устоз технология хоналарини бирма-бир кўрсатар экан. – Бизга ажратилган синфхоналар учта. Бири кизларнинг хунар ўрганишига мўлжалланган.

Шaroитни кўриб лол бўлиб қолдим.

– Илгарилари ихтисослигимиз “меҳнат ўқитувчиси”, деб белгиланган, – тушунтирди домла. – Биз ўтадиган “меҳнат дарслари” эса, устоз-шоғирдлик анъаналарига кўра ўтиларди. Муайян дарслик ёки қўлланма бўлмаган. Мустиқилликдан кейин “меҳнат” бу шунчаки оддий хунарлар мажмуаси эмас, балки кичик тадбиркорликнинг, демакки, тараққиётнинг мустаҳкам пойдевори сифатида ҳам “илм”, “фан” сифатида қабул қилинди.

Синфхоналарни кўздан кечиришимиз. Таъмирлашга ҳалақит бермаслик учун ўртага жамланган парталар устида турли ўлчамдаги ҳар хил буюмлар... Улар орасида камчи, эгар, бешик, лавҳ, чолгу асбоблари сингари одатдагидан ташқари ашёлар ҳам борки, хайратланасиз: “Нахотки, пойтахт мактабларининг ўқувчилари шундай нарсалар ясашса?” Ўроқ, болга, болта, кетмон, хаскаш, шоха, дурадгорлик асбоблари дейсизми, жажжи вертолёту самолётчалар... қишлоқ хўжалигини “ипидан-ингасигача” акс этирадиган минг бир ашё... эҳ-хе, нималар йўқ дейсиз бу ерда. Қирқ ҳам гапми, нақд етмиш етти хунарни ўрганса бўлади. Синфхона деворларига кўргазмалар қурооллардан тартиб техника ва санитария-гигиена, устахона тартиб-қондаларига, турли хил чизмалару



жадвалларгача илинган. “Г” шаклида ўрнатилган устахона жавонларидан ёғоч ва металл ишлов берадиган асбоб-ускуналар жой олган.

– Шоғирдлар барака топсин, – дейди Маъмурижон Акрамович, – таътил бўлишига қарамай, парталарни силжитиш, буюмларни тартиб билан жойлаштириш сингари куч талаб қиладиган барча таъмирорди ишларига қўмақлашиб юборишди. Мана, ҳозир электрон доскани ўрнатиш учун шоғирдлардан бири ёрдамга келяпти.

СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИ – ДЕМОКРАТИЯНИНГ АСЛ ИФОДАСИ

Бошланиши 1-саҳифада

Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ваколатли давлат органларининг ахборот базаларига мувофиқ сайловчи фуқаролар, уларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойлари манзиллари ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган давлат ахборот ресурслари.

Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ваколатли давлат органлари томонидан тақдим этиладиган ахборот негизда шакллантирилади ва янгилаб турилади, сайлов кампанияси даврида эса тегишли участка сайлов комиссиялари

томонидан аниқлаштирилади. Сайлов кодексининг 33-моддаси ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси сайловларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги қарорга мувофиқ, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда хорижий (халқаро) кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш тўғрисидаги МСК қа-

рорига мувофиқ, Ташки ишлар вазирлигининг тақдимомага биноан ЕХХТ ДИИХБ, Бутун жаҳон сайлов органлари ассоциацияси, МДХ, Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси каби ташкилотлар ҳамда бир қатор хорижий давлатлардан жами 401 нафар кузатувчи аккредитациядан ўтказилган. Муддатида илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлардан ва хорижий давлатлардан қатнашадиган кузатувчиларнинг умумий сони 785 нафарни, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари умуий сони

1 299 нафарни ташкил этмоқда. Юқори даражада ўтказилган демократик сайловлар оммавий ахборот воситалари эркинлиги билан узвий боғлиқ. Сайлов кампаниясининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳам ОАВнинг сайловлардаги иштирокини таъминлаш ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситаларида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш ҳуқуқи мавжуд.

Сайлов кампанияси бошлангани расман эълон қилинган кундан бошлаб, сайловга ками-

да ўн кун қолгунга қадар ОАВ вакиллари Марказий сайлов комиссиясига аккредитациядан ўтказиш тўғрисида мурожаат қилишлари мумкин. Муҳим сиёсий жараёни ёритиб бориш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари аккредитациядан ўтказиш ишлари давом этмоқда.

Бундай муҳим ўзгаришлар умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартлари асосида сайлов қончилигини янада тақомиллаштириш, сайлов жараёнининг янада очик ва ошқора ўтиши, Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари демокра-

тия индексидеги кўрсаткичлари яхшиланишига хизмат қилади.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, Бош Қомусимиз бугунги кун талабига мос тақомиллаштирилди ҳамда янгиланган Конституцияга тузатиш, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши билан Конституция қарийб 60 фоиз янгиланди, моддалар сони 128тадан 155тага етди. Шу боис ҳам, ҳуқуқий тизимда Конституция ва Сайлов Кодексини қайта кўриб чиқишни ўз ичига олган ислохотлар жараёни олиб борилди.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловни кузатиш

миссияси янгиланган Конституция ва Сайлов Кодексида алоҳида тоифадаги шахсларга сайлов ҳуқуқини беришга оид олдинги тавсиялар инобатга олинганини амалда кузатишмоқда.

Хусусан, яқин вақтгача оғир жиноят содир этгани учун озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган ва муомалага лаёқатсиз, деб топишган шахслар сайловда овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум эди. Энди эса, янгиланган Конституция асосида бундай тоифадаги шахсларга нисбатан овоз бериш бўйича умумий чеклов бекор қилиниб, бошқа фуқаролар билан тенг равишда бир хил сайлов ҳуқуқи таъминланди. Уларнинг сайлов ҳуқуқи фақат суд органлари қарорига кўра чекланиши мумкин.

Феруза МУҲИТДИНОВА,
профессор, юридик фанлар доктори

ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ ИЛМ ВА ҚАТЪИЙ ИНТИЗОМДА

Бошланиши 1- саҳифада

– Уста бўлиб қолишибди, – дейман ўқувчилар томонидан ясалган мўъжазгина чолгу асбобларни кўздан кечириб. – Бейхитёр болалигимни эсладим, домла. Сумкамга сиғадиган иччамгина рубоб ясаб, меҳнатдан “5” баҳо олганман. Дурадгорлик, ёғоч ўймакорлик ишлари жону дилим. Қандайдир уйлар кургим келарди. Журналист бўлмасам, мёморми ё уста дурадгор бўлишим аниқ эди.

– Ҳа, нимасини айтасиз, – дейди домла, – устачилик ҳам ижод, ўзига яраша завқи бор. Ёзги таътилда ўқувчиларимиз маҳалладаги новвойхона, сартарошхона, устaxonа ё цехларда мактабда олган хунарларини мустаҳкамлайдилар. Тадбиркорлар билан ўзаро келишганми. Ишлаб чиқариш харажатларидан орттиролса, бир-икки сўм қўл хақи беришди. Бўлмаса, ёшларнинг бандлигини таъминлаб, завқини сўндирмай туришди.

Дарвоқе, Чилонзор туманидаги 217-мактабнинг технология фани ўқитувчиси Маъмуржон Рихсиев Хирмонтепа ва Қаъни маҳалладаги новвойхона, сартарошхона, устaxonа ё цехларда мактабда олган хунарларини мустаҳкамлайдилар. Тадбиркорлар билан ўзаро келишганми. Ишлаб чиқариш харажатларидан орттиролса, бир-икки сўм қўл хақи беришди. Бўлмаса, ёшларнинг бандлигини таъминлаб, завқини сўндирмай туришди.

кўриб қолади ва ўз-ўзидан унинг айтган сўзидан чиқмайдиган бўлади.

Ҳа, ўқитувчилик унинг қониди бор. Ўрганганларини ўз тажрибаси билан бойитиб, турли муаммоларга ўзига хос ечим топиши шундан. Масалан, ободонлаштириш бўлими ходимлари билан келишган, маҳалладан чиқаётган темир парчалари, ёғоч бўлаклари ё қалинрок шох-шаббам, буюм ясашга арзигулик неки учраса, ундан хомашё сифатида фойдаланади.

– Тараққиётнинг асоси маданият, яъни илм ва одоб-ахлоқдан иборат, – дейди домла. – Илм ҳамда одоб-ахлоқнинг асоси эса, қатъий интизомдир. Масалан, Япония тараққиётига асос бўлган япон таълим тизими олайлик. Бошланғич синфларда ўқувчилар фақат одоб-ахлоқни ўрганадилар. Автобусда юриш-туриш, кексаларга иззат-хурмат кўрсатиш, орасталлик одоби ва экологик маданиятга онд минглаб муаммолар дарсада саҳналаштириб кўрсатилади. Инсон ҳулқ-атворидаги арзимас нуқсонлар юзга келтириши мумкин бўлган беҳисоб майда-чуйда муаммолар болаликданок йўқ қилинади. Шунинг учун ҳам арзимас муаммолар кейинчалик япониялик ҳаётида умуман учрамайди. Одоб-ахлоқ, тартиб-интизом қўниқмаси шакланганча, ҳар қандай мураккаб илми ўқувчининг қулоғига осонгина қуйиб қўйилар-да.

хал қилиш мумкин, деган ҳаёлга бориб қолади. Демакки, мактаб ёшиданок бола психологиясида коррупцияга мойиллик шаклланиши мумкин.

Хўш, бундай вазиятда нима қилиш керак? Меҳнат, умуман, ижодий бандлик завқи ҳар қандай иллатнинг илдизини кесилишига қатъий ишонган Маъмуржон ака маълумотларни диққат билан ўрганган, эндигина 5-синфга ўтган ҳар бир ўқувчи билан ҳам индивидуал, ҳам жамоавий усулда ишлаб бошлайди. Худди шу ёшда қаттиққўллик билан бола кўнглига тўғри йўл топилса, олтинчи синфга келиб улар устознинг тартиб-қоидаларига анча-мунча мослашиб, ўқитувчининг ўз отаси ё бобосидай кўра бошлайди. Еттинчи синфга келганда эса, аллақачон хунар завқини туйиб, ўзига бу лаззатни туйиш бахтини берган устознинг чинакам дўсти, кадрдонига айланади. Нафақат мактаб даврида, ундан кейин ҳам бундай дўстона муносабатлар бир умр сақланиб қоладики, оддий ўқитувчи – Маъмуржон Рихсиевнинг ҳаётида бунга ўхшаш мисоллар кўп. Хуллас, шогирдларининг кўнглидан чиқиб, уларга ниманидир ўргатиш учун қўлидан келганини қилади. Айни пайтда ҳам қўпқаватли уйларда яшаётган ота-оналар илтимосига кўра, таътилдаги ўқувчилари билан амалий машгулотлар олиб борапти.

Тирноқ катталигидеги жимит лавҳни кўрсатиб сўрайман:

– Бу нимага ярайди? Каттароқ қили ясашса бўлмасмиди?

Маъмуржон ака мийғида кулади.

– Албатта, олдин каттароқини ясаган. Бундай майда буюмларни ясаб асабийроқ болаларнинг асабини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Назоқатли, эҳтиёткор, ва албатта, сабр-бардошли бўлишга ҳам ўргатади.

Стол-стулар, асбоб-ускуналар, буюмлар, синфхонада нимаики бўлса, барчаси рақамланганини кўриб, тагин сўрайман: “Бунинг сири нимада?”

– Болани дўк-пўписа билан мажбурлаб эмас, бейхитёр интизомга ўргатишнинг энг осон йўли шу, – дейди Маъмуржон ака. – Бола синфга киришдан олдин ўз рақамини билади ва ўша рақамдаги стол-стул, асбоб-ускуналардан фойдаланади. Дарса-дарса, чоракма-чорак ишлаб чиқилган режага асосан ясалиши кўзда тутилган ашёларнинг ўлчамлари, чизмалари олдиндан тайёрлаб қўйилган. Биров бировга халал бермай, навбатма-навбат ҳар ким ўз ишини бажаришга улгуради. Охириги

ўн дақиқада ҳар бир ўқувчи ўз иш ўрнини тозалаб, танаффусга ҳозирлик кўради.

Ўқитувчининг йиғирма йиллик иш дастурини кўриб, 2022 йили Президент фармонида асосан Маъмуржон Рихсиевга “Меҳнат шухрати” ордени берилгани бежиз эмас экан, деган ҳулосага келдим. Дарвоқе, домла 1998 йил “Ўзбекистон халқ таълими аълочиси” унвони, 1999 йилда эса “Шухрат” медали билан ҳам муносиб тақдирланган. Унинг ўқувчилари кўп йиллардан буён технология фанидан ўтказиладиган “Ёш конструкторлар” кўрик-танловларида фаол қатнашиб келади. Ўтган йили Сирожидин Зиркиллаев машур танловнинг “Совуқ металлга ишлов бериш технологияси”, Иброҳим Тўлеганов “Ёғочга ишлов бериш технологияси”, Абдулло Обидов “Электротехника ва электроника” йўналишлари бўйича юқори натижалар кўрсатди. Шохжаҳон Самадов ҳамда Нурмуҳаммад Қаюмов сингари шогирдлари айни пайтда Америкада тахсил олмақда.

– Илк Европа мактаблари қандай бўлган? Хусусан, Россияда? Биласизми? – қўтилмаганда мендан сўрайди Маъмуржон ака. – Сўнг жавобини кутмай давом этади. – Қизлар пишир-қуйдир, тикши-бичиш, табобат, чорвачилик ва деҳқончилик, умуман, кундалик рўзгор юмушларини ўрганиб, оилавий ҳаётга тайёрланишган. Йиғитлар бўлса, камон отиш, чавандозлик, қилич ўйнатишни ўрганишган. Ўша замон талабига кўра, юртини ташқи тажовулардан ҳимоя қилиш ва кун кечирishi зарурати ҳисобланган одатий илмлардан хабардор бўлиш киёфоя қилган. Ана шу илми берадиган масканлар илк мактаблар ҳисобланган. Шарқ халқларида, жумладан, ўзимизда ҳам ёш авлодга диний, дунёвий билимларни ўргатадиган мадрасалар дастлабки мактаблар вазифасини бажарган. Вақт ўттиши билан замон талаблари билан бирга, мактабларнинг ўқитиш мезонлари ҳам, киёфаси ҳам тубдан ўзгариб, хозирги кўринишга келган.

Тан олиш керак, мустақилликкача жисмоний тарбия, меҳнат, яъни технология фани ўқитувчиларига бугунгидек жиддий эътибор қаратилмаган. Тараққиёт тезлашиб, замонавий технология инсон меҳнатини энгиллатгани сари тобора мураккаб технологиялар билан уйғунлашаётган миллий хунармандлик ҳам илм деб қабул қилиш, пухта ўрганиш ва ўргатиш зарурати пайдо бўлди. Бошқа соҳа вакиллари каби бу соҳа вакиллари ҳам янгича нуқтан назар билан, ўрта бизнес ва кичик тадбиркорлик субъектларининг пойдеворини мустаҳкамловчи жамиятнинг муҳим бўғини сифатида қарала бошланди. Миллий хунармандлик, дурадгорлик, темирчилик, ҳатто электроникага қизиқадиган аёл ўқитувчилар етишиб чиқди. Маъмуржон аканинг энг ишонган шогирдларидан бири, Чилонзор туманидаги 217-мактабда ўғил болаларга технология фанидан сабоқ бериб келаётган Маҳбуба Исломова ана шундай педагоглардан. У устози ва мактаб ишончини оқлаб, ўз синфидаги ўқувчиларнинг тарбияси билан, керак бўлса, уйма-уй юриб шугуланмоқда.

Кейинги сафар, албатта, устознинг Маҳбуба Исломова сингари шогирдлари билан суҳбатимизни давом эттирамиз.

Танишганимиздаёқ унинг ташқи кўриниши мени хайратда қолдирган. У ақсарият пайтларда галстуксиз, қандайдир свитер ёки оддийгина кўйлақда юргани учун нозик дилли, руҳиятни чуқур англайдиган етук ёзувчидан кўра кўпроқ қандайдир жисмоний меҳнат билан шугуланувчи боғбон ёки қоровулга ўхшарди. Лекин мен унинг рус тилига таржима қилиниб, “Звезда Востока” журналида чоп этилган “Бегона меҳмон” ҳикоясини ўқиб, уни қатта ёзувчи сифатида аллақачон қафс этгандим. У мазкур ҳикояда одат тусига айланган колган зерикарли қоллардан қочиб, ҳаётнинг азобли синовларини бошидан кечираётган, бахтига ишонган қаҳрамонларнинг ҳаётини ўзига хос усулда, самимий талқини билан эътиборини тортган. Камтарлик ёзувчининг нафақат ташқи кўринишида, балки унинг ижодий усулида ҳам аниқ сезилиб туради: таъсирчан, лекин оддий, ҳеч нарсани атайлаб ўйлаб топмасдан, кескин бурилишлар ва кучли руҳий зўриқишлардан қочган холда, ортиқча насихатга берилмасдан ҳаёт ҳақиқатини тиник намоён этади. Энг асосийси – бу воқеаларни ўқиш жуда мароқли эди.

Ҳикоя ёқиб қолгани боис мен уни рус тилида ўқийдиган ўқувчиларга ҳам тавсия қилдим. Кейин таниқли ижодкор, маданият ходими Евгений Скляровский ўзининг тасурутларини – мазкур ҳикоя ҳақидаги хаяжонли фикрларини чоп эттирди. Шунингдек, бошқа ўқувчилар ҳам ўзларининг илиқ фикрларини билдирдилар. Мен уларни авайлаб тўпладим ва Собирга кўрсатдим. Асарини бошқа тилда ўқиб, у ҳақида айтилган ижобий фикрларни кўриш Собир учун жуда ёқимли бўлган.

Уюшма наشريётида чоп этилиши режалаштирилган, виллоятда ижод қиладиган муаллифнинг адабий китобига муҳаррирлик қилаётганимизда матидаги доимий ўзгаришлар, тахрирлар ва раҳбарнинг кўрсатмалари туфайли асарини қайта-қайта кўриб чиқиш талаб этиларди. Бундай ҳолатдан безор бўлиб Собирга мурожаат қилдим. Тинмай янгилик яратётганларини тинчлантириш ҳақидаги умидсиз илтимосим амалий самара берди: у барча ўзгариш ва тахрирларни тўхтатишга муваффақ бўлди ва мен ундан чин дилдан миннатдор бўлдим. У ўта хотиржамлик билан одамларни тўғри қарор қабул қилишга ишонтира олди.

Собир билан орамизда адабий ишларда ўз истеъдодига алданиб қолмаслик, қибранмаслик ва асарларини сунъий равишда оммалаштириш ҳақида худдинона фикрга берилмаслик керак, деган умумий тушунчага асосланган муштарак дўстлик муносабатлари ўрнатилди. Бундай илиқ муносабатларимиз ўзини барвақт “даҳо” ва “истеъдодли” ҳисоблаб юрганларни гафлатдан уйғотди.

Биз дўстона муносабатларимизни тезроқ мустаҳкамлашга шошилмадик: чунки бир-биримизни тарқ эмаслигимизни билардик, келажак бизнинг ижодий ҳамда шахсий муносабатларимизни, албатта, янада яқинлаштиради, деб ўйлаган эканмиз. Афсус, тақдир йўғри бошқача экан. Ҳаётимизда катта таассурот қолдирган инсоннинг дунёни тўсатдан тарқ этиши мен учун жуда оғрикли эди.

Ёзувчилар уюшмаси биноси коридори-

ЯХШИЛАР ЁДИ

Ёзувчилар уюшмаси биносининг йўлақларидаги қундалик салом-алиқлар, мулоқотлар чоғида баъзан шундай суҳбатлар ҳам бўладики, уларда қўтилмаганда қистириб ўтилган иборалар таъсирда кўнглингизда турли мазмунда фикрлар тугилади. Ўзингиз учун жуда муҳим, зарур бўлган ниманидир топагандай бўласиз. Бироқ ички кечинмаларингиз, хис-туйғуларингиз ҳақида ошқора гапирингиз шоям шоям ва жимгина жимлайиб йўлингизда давом этасиз. Ажойиб инсон, таниқли ёзувчи Собир Ўнар билан муносабатларимиз шундай эди. Бу каби сийрак ва қисқа учрашувлар замирида хали биз бир-биримизни таранроқ англашга улгурамиз, деган фикр бордек эди гўё. Шунинг учунми, негадир қисқатгина гапларимиз, холос.

Николай ИЛЬИН

ТУГАЛЛАНМАГАН САҲИФА



Танишганимиздаёқ унинг ташқи кўриниши мени хайратда қолдирган. У ақсарият пайтларда галстуксиз, қандайдир свитер ёки оддийгина кўйлақда юргани учун нозик дилли, руҳиятни чуқур англайдиган етук ёзувчидан кўра кўпроқ қандайдир жисмоний меҳнат билан шугуланувчи боғбон ёки қоровулга ўхшарди. Лекин мен унинг рус тилига таржима қилиниб, “Звезда Востока” журналида чоп этилган “Бегона меҳмон” ҳикоясини ўқиб, уни қатта ёзувчи сифатида аллақачон қафс этгандим. У мазкур ҳикояда одат тусига айланган колган зерикарли қоллардан қочиб, ҳаётнинг азобли синовларини бошидан кечираётган, бахтига ишонган қаҳрамонларнинг ҳаётини ўзига хос усулда, самимий талқини билан эътиборини тортган. Камтарлик ёзувчининг нафақат ташқи кўринишида, балки унинг ижодий усулида ҳам аниқ сезилиб туради: таъсирчан, лекин оддий, ҳеч нарсани атайлаб ўйлаб топмасдан, кескин бурилишлар ва кучли руҳий зўриқишлардан қочган холда, ортиқча насихатга берилмасдан ҳаёт ҳақиқатини тиник намоён этади. Энг асосийси – бу воқеаларни ўқиш жуда мароқли эди.

Ҳикоя ёқиб қолгани боис мен уни рус тилида ўқийдиган ўқувчиларга ҳам тавсия қилдим. Кейин таниқли ижодкор, маданият ходими Евгений Скляровский ўзининг тасурутларини – мазкур ҳикоя ҳақидаги хаяжонли фикрларини чоп эттирди. Шунингдек, бошқа ўқувчилар ҳам ўзларининг илиқ фикрларини билдирдилар. Мен уларни авайлаб тўпладим ва Собирга кўрсатдим. Асарини бошқа тилда ўқиб, у ҳақида айтилган ижобий фикрларни кўриш Собир учун жуда ёқимли бўлган.

Уюшма наشريётида чоп этилиши режалаштирилган, виллоятда ижод қиладиган муаллифнинг адабий китобига муҳаррирлик қилаётганимизда матидаги доимий ўзгаришлар, тахрирлар ва раҳбарнинг кўрсатмалари туфайли асарини қайта-қайта кўриб чиқиш талаб этиларди. Бундай ҳолатдан безор бўлиб Собирга мурожаат қилдим. Тинмай янгилик яратётганларини тинчлантириш ҳақидаги умидсиз илтимосим амалий самара берди: у барча ўзгариш ва тахрирларни тўхтатишга муваффақ бўлди ва мен ундан чин дилдан миннатдор бўлдим. У ўта хотиржамлик билан одамларни тўғри қарор қабул қилишга ишонтира олди.

Собир билан орамизда адабий ишларда ўз истеъдодига алданиб қолмаслик, қибранмаслик ва асарларини сунъий равишда оммалаштириш ҳақида худдинона фикрга берилмаслик керак, деган умумий тушунчага асосланган муштарак дўстлик муносабатлари ўрнатилди. Бундай илиқ муносабатларимиз ўзини барвақт “даҳо” ва “истеъдодли” ҳисоблаб юрганларни гафлатдан уйғотди.

Биз дўстона муносабатларимизни тезроқ мустаҳкамлашга шошилмадик: чунки бир-биримизни тарқ эмаслигимизни билардик, келажак бизнинг ижодий ҳамда шахсий муносабатларимизни, албатта, янада яқинлаштиради, деб ўйлаган эканмиз. Афсус, тақдир йўғри бошқача экан. Ҳаётимизда катта таассурот қолдирган инсоннинг дунёни тўсатдан тарқ этиши мен учун жуда оғрикли эди.

Ёзувчилар уюшмаси биноси коридори-

даги охириги учрашувимиз ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди, ўшанда у мустаҳкамланиши қўтилан дўстлигимиз сари яна бир кичик кадам ташлаганди. Салом-алиқдан кейин табассум билан: “Николай ака, сиз билан учрашми мен учун жудаям мароқли, сизни кўрсам атроф чараклаб, кўнглим яшнаб кетгандек бўлади. Бирон жойда учрашиб, отамлашиб, бир мириқиб гаплашишимиз керак”, деб илтифот қилганди. Мен учун бу сўзлар жуда қадрли. Шундай бағрикенг инсоннинг ширин суҳбатидан ҳам қадрлироқ нарса бўлиши мумкинми? Ниятларимиз амалга ошмагани эса жуда ачинарли.

Гарчи суҳбатларимиз қисқатгина бўлса-да, уларни юзаки мулоқот деб бўлмасдик. Бизнинг ўша санокли кўришишларимиз ортида ҳақиқий ва гўзал туйғулار мужассам эди. Инсоннинг дунёни тарқ этиши қанчалик ачинарли бўлмасин, қисқа умр у ҳақида хотиралар бор ҳаёт йўлининг давомийлигига таъсир кўрсатолмайди.

Ҳикоя ёқиб қолгани боис мен уни рус тилида ўқийдиган ўқувчиларга ҳам тавсия қилдим. Кейин таниқли ижодкор, маданият ходими Евгений Скляровский ўзининг тасурутларини – мазкур ҳикоя ҳақидаги хаяжонли фикрларини чоп эттирди. Шунингдек, бошқа ўқувчилар ҳам ўзларининг илиқ фикрларини билдирдилар. Мен уларни авайлаб тўпладим ва Собирга кўрсатдим. Асарини бошқа тилда ўқиб, у ҳақида айтилган ижобий фикрларни кўриш Собир учун жуда ёқимли бўлган.

Уюшма наشريётида чоп этилиши режалаштирилган, виллоятда ижод қиладиган муаллифнинг адабий китобига муҳаррирлик қилаётганимизда матидаги доимий ўзгаришлар, тахрирлар ва раҳбарнинг кўрсатмалари туфайли асарини қайта-қайта кўриб чиқиш талаб этиларди. Бундай ҳолатдан безор бўлиб Собирга мурожаат қилдим. Тинмай янгилик яратётганларини тинчлантириш ҳақидаги умидсиз илтимосим амалий самара берди: у барча ўзгариш ва тахрирларни тўхтатишга муваффақ бўлди ва мен ундан чин дилдан миннатдор бўлдим. У ўта хотиржамлик билан одамларни тўғри қарор қабул қилишга ишонтира олди.

Собир билан орамизда адабий ишларда ўз истеъдодига алданиб қолмаслик, қибранмаслик ва асарларини сунъий равишда оммалаштириш ҳақида худдинона фикрга берилмаслик керак, деган умумий тушунчага асосланган муштарак дўстлик муносабатлари ўрнатилди. Бундай илиқ муносабатларимиз ўзини барвақт “даҳо” ва “истеъдодли” ҳисоблаб юрганларни гафлатдан уйғотди.

Биз дўстона муносабатларимизни тезроқ мустаҳкамлашга шошилмадик: чунки бир-биримизни тарқ эмаслигимизни билардик, келажак бизнинг ижодий ҳамда шахсий муносабатларимизни, албатта, янада яқинлаштиради, деб ўйлаган эканмиз. Афсус, тақдир йўғри бошқача экан. Ҳаётимизда катта таассурот қолдирган инсоннинг дунёни тўсатдан тарқ этиши мен учун жуда оғрикли эди.

Ёзувчилар уюшмаси биноси коридори-

Ўтқир ақл билан ўйламоқ оми:
Ташналик ишларга қимнинг сарбони?
Қимнинг кўп, қимнинг хўп яшаш армони.
Қимнинг тўқис-тоза умр қарвони?

Чуқурроқ ўйладим, англадим, яъни
Ақл кўзусида кўринди маъни:
Ҳалма ҳам яхшироқ яшаш мумкин,
Чексизлик сўйламас лекин ҳаммани.

Унинг китоблари, асарлари, ёркин хотираси бизнинг қалбимизда қолади. Собирнинг вафотидан кўпчилик инсонлар чин кўнглидан аза тутганларини, айнан менинг яқинларим ва дўстларимнинг ҳам унинг бу дунёни тарқ этишдан чуқур қайғуга тушганларини кўриб қайратга тушим. Унинг вафоти кўпгина ижодкорларни қалбдан яқинлаштирди ҳамда улуг ва бетакор инсонлар ёнимиздалигидеги улар билан кўпроқ мулоқот қилиш, уларни қадрлаш, улардан инсоний фазилатларни, гамҳўрлик ва эътиборни ўрганиш лозимлиги ҳақида яна бир ҳаётий сабоқ берди.


Шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, айниқса, чинакам истеъдодли одам бошқаларни хурмат қилувчи, меҳрибон, дўстларини сеувчи, олижаноб ва камтарин, ўзининг иқтидори ва истеъдодини сунъий равишда бўрттирмайдиган инсондир.

Рус тилидан
Дилфуза КУШЕБАЕВА таржимаси.



Шухрат АЗИЗОВ

Вафо ФАЙЗУЛЛОХ



Кимгаки гул тутмаган бўлса асл ишқ, Гилослар гунчасига тикилсин бир бор. Қалбидан отилади мардона кўшиқ, Кўнгилдан бош кўтарар бегубор изхор.

Гуллашнинг меваси бор, баҳорнинг ёзи, Гилослар калъасида гуллар оқ ният. Шундай ўтган умри ғарибдан рози, Гилослар гуллаб турса ўлмок ҳам уят.

ГИЛОСЛАР ШАҲРИ

Апрел келганида тонглардан ошиб, Тоғларда ол лолалар тутганда қадах. Кўша-кўша бахтдан қоламан шошиб, Кўнглимни ғарк этади ўзгача фарах.

Гилослар очилар кизлардай кийгос, Оппок кўйлақларда турар расида. Тўлдирар кўчаларни нурдай оқ либос, Асалари бўлгим келади жуда.

Қора булутларга қаҳрим келади, Камалакнинг олтин камарин таққан – Варрақлар дил изхорим кўкда елади, Гилосларга тўймай боққанам боққан.

Тоғларга кетай десам лолалар излаб, Гилосларни асло қиймайди кўзим. Улар тош шаҳримни кетардай ташлаб, Энг мусаффо сирим очилган тилсим!

Шодмонқул САЛОМ

ХИЗР ТАЁҒИ



Уч отликнинг олда – бўз бияда кетаётгани – оқ-сарикдан келган, суяги йирик чол ёнбошга ярим ўгирилганча шундай сўзлаб бораётди:

– Барибир яхши иш бўлмади. Ойназарнинг ҳам бола-чакаси бор. Қўли эгри бўлса ҳам, бўйнига олмаган бўлса ҳам таёқдан ҳатлаб бекор китпи. Ўзи бу ишнинг бошида турган Ўрин чолни болталайдиган. Шундай ҳам қилади? Бир йилки бир жигитдан азиз бўлди? Сен, Салимбой, ўзинг кўрдингми, калли? – Ҳа, ўзим кўрдим, – деди орда келаётган йигит, – уйининг олдидаги ариқдан сув бойлаётган экан. Менинг бораётганимни сезмади, манглай – оппок... Отликлар олислаб кетишди.

Кўкламда ёнов кўрмаган қўй қўй бўлмайди. Бўйида бори шилта кўрада бола ташлайди, қолганлари ўпқасини сув босиб-олдириб ёзда кўксов-кўкйўтал бўлади – мол бўлмайди. Кўкламда ёнов кўрмаган сурув саратонда бир кафт ем емай бўрлоқ бўлиб юради. Худди манови саратондаям тиним билмаган отардай.

Ёз кечаси бир тутам. Кечанинг ярмига етиб кунчиқар бетдан шом еган яримдан катта, тугалдан микти бўлиб, қонлиқ ўйнағали келган куёв каби баркашдай ой кўринади. У аввал-оқшом ер остига ўтиб кетган, энди бўлса кунчиқардаги Эғизак қиридан аста бўйлаётди. Ойнинг бир гардиши кўринганда унинг изидан, унинг ёруғи – тўшида чўпон кўринади. Қўлида таёғи, белда пичоғи – ой чирогоди аниқ кўринди. Сўнг бирин-кетин серкалар, қўйлар қирга тирмашиб чиқди. Чикдида, авайлаб паства – қоронғи ўрага эна бошлади.

Шундагина уларнинг "ма-ма"лаган саси қулоқка етди. Чўпон эса таёғини қип-қизил ойга тираб жим турибди. Бу – Шахар чўпон. Шахар гунг ҳам, дейди одамлар. Билгани кўп, совуққон, чинини яширмовчи, меҳрибон ҳам. Алдаганини кечирмайди. Овулидагилар ичида илк бор шаҳардаги туғруқхонада туғилганидан шундай от қўйишган унга. Ўзи болалигида бўлбулдай сайраган бола бўлган, лекин етти ёшида қўпоннинг ичида бир ўзи қолиб кетиб, қаттиқ кўркув ваҳшатидан дудук бўлиб қолган. Қулоғи мутлақо эшитмайди. Аммо табиат унга тил-у қулоғининг ўрнига зўр хотира ато қилган. Бир кўрганни унутмайди, бир бор уқтирилган гапни эсдан чиқармайди. Лекин Оллох берган олти фарзандиям соппа-соғ.

Шу Шахар чўпоннинг кўнглида бир гапи бор. Қўқсини тўлдирган бир беадоқ соғинч бор. Унинг тўнғич ўғли харбийда. Аёлининг айтишига кўра, жуда олис ўрмонда, ўрмон нелигини билмаган чўпон беадоқ шовуллаган ўрмонларни фақат онда-сонда телевизорда кўрган. Шу боисдан телевизорда табиатни, ўрмонни кўрсатса бас – кўз узмай ҳайла толиб қолади. Чўпон силлиқ бўлиб кетган таёғини қўлидан қўймайди. Болалигида эшитгани – қулоғида қолгани – ирим эсида: Чўпоннинг таёғида Хизр алайхиссаломнинг қўли изи бор.

Шахар бу гапга ишонгани бир томон, аммо қўлидаги заранг таёқнинг яна бир муқаддас жиҳати ҳам мавжуд. Бу таёқни харбийдаги ўғли тоғда қўй ҳайдаб юрганларида кесиб келиб отасига тутказган ва отаси эшитмаса ҳам "Бу – сизга!" деганди ёруғ табассум

Бошқа бир таъбир ҳам бор, кўркмам айтгани, Тоғлар лунжидаги ҳаётий хикмат: Келмокнинг колмоғида энг олиий маъни, Гилослар гуллаб турса ўлмок ҳам бир бахт!..

АНОР НОВДАСИ

Мунгли хаёлларга бўлганча қойим, Эслаб бевафонинг тантик ваъдасин, Шу сўкмоқдан ёлғиз ўтганда доим Елкамни сийпалайди анор новдаси.

Кўзим ярқ очилар, ўтлар сочилар, Ҳайратдан асар сезмас титрайди юрак. Менга дунёларнинг бағри очилар, Бирдан кучга тўлар безавол тилак.

Бир девона дилман, меҳр гадоси Озод кўтараман ҳаёт бодасин. Сезаман айна лаҳза Ҳақнинг вафосин, Елкамни сийпалаб тур, анор новдаси!

Тошлоқ йўлда шам бор тилимда, Ой фонуси менга бегона. Бегубор бир наво дилимда, Девонаман. Яна девона.

Юлдузларнинг милтираши сир, Чорламайди кимсасиз хона. Юраккиман титрайди дир-дир, Девонаман. Яна девона.

Димоғимни китиклар хотир, Қари ялғиз иси афсона. Бу дунёга келмаган шоир – Девонаман. Яна девона...

ОҚ МУШУК

Хомуш кўрдим ариқнинг рошида кўзи юмуқ, Хутни ҳам унутгандай паришон қари мушук. Йўлларни кесиб ўтмас, фол очмас думи бўлик, Итлар ҳам терс қарайди, нонуштаси йўқ шўрлик. Олдига бориб аста бошин силасам, титраб, Жунлари бирам момик иссиқ қорнинг ўзи нақ. Малак кўзларин очди, пинжимга кирди ихраб, Бир-биримизга боқдик, унс топгани каби қалб. Қарилик шундай ошна, дедимми таскин излаб, Ташлаб кетар барчаси, нафс боис гириттонлар. Оқ бўлсанг яна ғариб, устингдан қулар қувнаб, Ёлгончи дунёларга ўзин сотган пиёнлар... Дилдирама, титрама, ғуссини қулочлаб от, Чопонимнинг бағри ин қўйгин, индамасман. Оқ мушуксан сен, ахир, оқларга зордир ҳаёт, Бир умр оқ мушук бўл атрофимдан кетмасдан!

ЗАНГОРИ ГУМБАЗЛАР ЧОЙХОНАСИДА

Ҳошимжон Мирзааҳмедов хотирасига

Дўстим! Йўл оларнинг кўнглинг қон сахар Зангори гумбазлар чойхонасига. Шунда чекинардди жамки қадар, Қиргандек Хайёмнинг майхонасига.

Есениндан шеърлар ўқирди давра, Ҳофиздан хонишлар қиларди хофиз. Қандай бахтли эдинг дардлардан, жўра, Қандай бахтли эди сени севган қиз.

Ўша кунлар қани? Бўлганми абас? Сен кетдинг-у, шомлар ғуссага ботди. Гова* тоғларида бойчечак қулмас, Юракни тирнар энди орзулар тотти...

* * *

Қачон кўрсам гулдай турасан қулиб, Шамнамдай покиза-ю шуъладай маъсум. Лекин хаёлимда йиғлар зор уриб Қиличнинг оч дамида тақдири ярим. Ёстигининг кўз ёш этади дарё, Кўчада ўқтамлигинг қолган дилдираб. Лабларинг булутларга етмаган саҳро, Баҳорнинг йўллариди йитган қовжираб. Қаро қароғининг тубида гулхан Ёндирар шамолларнинг телба хасини. Тўзгин сочларингда яширин кишан Қулоққа олиб келар ингрок сасини... Қўлларингдан тутиб кетолмасман шод, Олисга етолмасдан, сочилар қаҳрим... Оёғимга кишан солгандир ҳаёт, Менинг тоғ ортида қонаган бағрим... Қачон кўрсам гулдай турасан қулиб,

Шабнамдай покиза-ю, шуъладай маъсум. Лекин хаёлимда йиғлар зор уриб, Дунёларни берса арзир табассум...

АЛДАМЧИ БАҲОР. 2021

Бундай ҳолат келар балки юз йилда, Ўриқларнинг гулини опичлади қор. Музларнинг қиличлари ботган кўнгилга, Жувонмарг лолаларга топилмас мазор...

Кўзим тиниб кетар боғларга боқиб – Барглар орасида йўқ бир довуча. Довул ноғорасин турадир қоқиб, Кўксига қони қотган – қип-қизил гўнча.

Кўклам кетган укам тушди ёдимга, Жигардай даракларни туртаман бир-бир. Замон қулоқ солмас арзу додимга, Гулларни этиб тарож изғир замҳарир.

Алданмаган нима қолди очунда? Ҳар ким ўз дамига бек бўлгани соз! Совчисиз оқ тоғлар кизлар сочида, Шафтоли ширасисиз қаршиланса ёз...

Фарзанд доғи билан қуйган волида, Яшил ёбонларнинг қийгани кафан. Узумларнинг тили чикқан ховлида Райхонлар оёғига солинган кишан...

Уйғонган борлиқнинг айбими – журъат?! Эрта уйғонгани кутади ми дор? Сени не атайин, майли, ўзинг айт? – Ўтриқчи офтоб мирзо, алдамчи баҳор!..

* Гова – шоир ва журналист Х. Мирзааҳмедов туғилган қишлоқ.



Шунда кунчиқар тарафдаги ошувдан Ойназ калнини қораси кўринди. У одатига хилоф равишда негадир бугун пиёда эди. Ўзига ўхшаган эчки-печкиси ҳам йўқ. У Шахар чўпонни кўра солиб сурувини ора-лаб у томон – Шахар чўпон турган қирга қараб чопа бошлади. Унга боқиб турган чўпоннинг авзойи ўзгарди. Сийрак соқоллари титраб, лаби қимтиди. Ичиди "Нима жин урди бу калли" деган бўлса нежаба. Қал чўпон сари югураркан қиррасидан йиртила бошлаган дўпписини унга силқитар, юзида алланечук қувнок-лак ҳам бордай эди. "Ё, пирим-эй! Эшаги эгиз тугдимкин?"

У пайтда ҳали унинг манглайида оқ доғи йўқ эди. Ойназ кал Шахар чўпон қошига етгунча чўпон хуржунидидаги идишдан олиб қолган сувни олиб оғзини чайди. Ойназ ниҳоят чўпонга беш-олти одим қолганда харсиллаб тўхтади ва худди бирдангина эси оғиб қолган одам каби қийшаган ракс туша бошлади. У терлаб кетганди. Бейхўш ракс тушаркан пайтава ўралган латта этигини тик турган қўйи силтаб таёғида ечиб ташлади. Оёқлари терлаб оқем бўлиб кетганди. – Тим, қал?! – деди ниҳоят ҳам ғазаби, ҳам ҳайрати ошган чўпон ўз тилида. Бу нима гап, нима демок-чисан, дегани эди.

Шунда Ойназ кал муддаога кўчди: қўлларини қарсиллатиб Шахар чўпондан пул сўрай бошлади. Айни дамда бейхўш тиржайишини ҳам қўймади. Чўпон даргазба бўлиб болаларча эҳтиёткорлик билан кўқрак киссасини босди. Ойназ калга шу керак эди. Овоз чикариб, бир вақтнинг ўзида имо-ишоралар билан тушунтира бошладди: – Улинг келди армиядан, – Ойназ кўрсаткич бармоғини паства қўзиб – ўғил бола белгисини қилиб тагин ракс муком қилди. Қўлини қаққасига тираб, "чест" берган бўлди – харбийни англапти. – Суюн-чини чўз.

Шахар чўпон шаҳрини бой берди. Бир умр ёмон қўриб юргани – Ойназ кални қандай қилиб бағрига босганини билмай қолди. Уни ердан узди бир айлан-тирди-да, ўз тилида саволга тутта кетди: – Улим-ма, келганма, кўрдингми... а-а-а... Чўпон Ойназарга нафақат кечаги ўн сўмини, ёнида терлаб-қотиб юрган уч сўмини ҳам тутказди ва унга сурувини тошдирди: – Сен бок, қал, сен бок, мен бораман-ма, дига сўяман-ма... Жешакни оборасан-ма...

Ойназар чўпонни тўлик тушунди: сурувини сен бок, мен уйга бориб қўй сўяман, ўғлим келган, дея энтиқарди бу дашт бандаси. ...Қўйнинг ўришдан уйгача бўлган йўл тўғри ҳисоб қилганда ҳам ўн чақиримдан кам эмасди. Эғнида тўн, бошда телпақ, оёқда кирза этик билан Шахар чўпон уй томон учиб кетди. *** Чўпон уй ёнига ҳорган, терга ботган қўйи хансираб етиб келди ва кўргани эшақда ўтирган ўғилчаси ва супа устида анқайиб турган аёли бўлди. Шахар чўпон уй соясига ўтираркан бошидаги телпақни аччиқ алам билан олиб ерга урди. Тагин аламан атрофга беамаъно тикилди. Ўзидан сал нарида ётган жўхори сўтасини қотиб турган аёлига қарата отди. Зилдай хўл сўта кўркувдан энкайган аёлининг елкасига теғди. Аёл оғриқдан майишиб, чит қўйлаги ҳилвираб ерга таппа ўтириб қолди. Сўнг ўзига келиб тилга кирди: – Сенга нима бўлди ерутқар, мол қани? Аёл имо-ишоралар билан эрига сўзларини тушунтирди. Гарчи бу сўзларнинг маънисини чўпонга қунай равшан эди. Чўпон баттар туғдики ва ўзини бироз босгандек, айб аёлида эмаслигини англаган каби бидирлай бошлади. – Қал, кўкимшин қал, улинг келган, панк қилғичдан келган деган, пул, қизил пулимди олган...

Она ҳам, бир дамлик шовқиндан сергақ тортиб томорқадан чиқиб келган қизлар ҳам, эшак устидаги болақай ҳам йиғлаб юбордилар. Улар Ойназар калнинг қилмишини тушуниб, алам ва соғинчдан, тилсиз чўпоннинг алдангани, масҳара қилинганидан йиғлаб юбордилар. Ҳали харбийдаги ўғилнинг қайтишига қамидан икки ой бор эди.

– Ойназ кал отаси қилмаган қилиқни қилиб манглайига соч қўйибди? – дейди отликларнинг бири тагин ўсмонқилаб. – Эшоннинг отини ўғирлаган экан, манглайдан пес бўлиб қолган эмиш... – дейди ҳамроҳи. – Ўғирламадим деб оёқ тираб туриб олибди. Шунда даштда юрган Шахар гунгнинг таёғидан ҳатлатишибди. Икки қўлини ёқасига жуфт қилиб таёқдан ҳатлабди Ойназ. Бекор иш қилибди-да... – Чўпоннинг қўриқчиси бўлади. Таёғини пайгамбарлар ушлаган. Шахар чўпон ҳам Ҳудонинг суйган қули – билсаларингиз. Унинг таёғи эллиқ йиллик таёқ. – Олдинда кетаётган чол ўзига ўзи гапиргандек бамайилхотир гапириб бораркан, тағидида ювош йилқисининг қулоғига учиб келиб илашган мезонга боққанча йўлида давом этади – Ўтган жумада имом бир гурунгни айтиб берди. Эшитасизларми? – Ҳа, айтаверинг, бобо, – деди ҳамроҳларидан бири. Чол гапга тушди: – Мусо пайгамбар бир биебондан ўтиб кетаётса, қичик тепалик ортидан бировнинг овози келаётган эмиш. Бориб қулоқ солса, бир чўпон осмонга қараб шундай деётган экан: Эй, Художон! Мен бир нотовон банданман. Намоз ўқишимия, ибодат қилишимия билмайман. Ўзинг кечир. Қўлимдан келадигани қўй боқиб. Қўйингни бер, энчи* олмай боқиб бераман. Чорингини ташлаб юбор, бепула ямаб бераман. Лекин гуноҳимни кечир...!

Мусо алайхиссалом чўпонга дакки берибди: Эй, нодон чўпон! Парвардигорга бундай дейишга нима ҳақкинг бор?! У тенгсиз, эҳтиёжсиз зот, сенга муҳтож эмас! Унинг сенга боктирадиган қўйиям, сенга тиктирадиган чорингям йўқ. Авом чўпон мулзам бўпти, афсус чекибди. Шунда осмон-у фалақдан пайгамбарнинг ўзи эшитадиган овоз келибди: "Эй, Мусо! Сен менга чин юракдан ибодат қилаётган бандамни ранжитдинг! Хатонгни тўғирла!" Пайгамбар чўпоннинг кўнглини олиб, ундан уэр сўраб ўз йўлига кетган экан. Шахар чўпон ҳам шундай беэён одам... Бу отликлар шу кетишда Шахар чўпоннинг харбийдан қайтган ўғли билан қўришгани – аскар тўйга кетаётган эдилар.

*Энчи – чўпоннинг эизмат ҳақи.

Бошланиши 1-саҳифада

Навоий «Мажолисун-нафоис»нинг еттинчи мажлисида ҳам Мир Хайдарни тилга олиб, уни «Мавлоно Хайдар туркийгўй» деган. У Султон Искандар Шерозий тўғрисида сўз юритар экан, шундай ёзади: «... эъз э секиз йиллик салтанатида гўёки, уч ганж тапибдур. Мавлоно Хайдар туркийгўй анинг моҳиҳи экандур. Бу анинг маснавийсидин дурур-ким:

Химмат элидур ёд-и байдо деган, Эр нафасидур дам-и Йисо деган, Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн»да Темурийлар замонида етишиб чиккан йирк туркийгўй шоирлар тўғрисида сўзлар экан, Мир Хайдарни ҳам тилга олади. Уни «Хайдар Хоразмий» деган.

Навоий ёзади: «Темур Кураган замонидин фарзанди халик Шоҳрух султоннинг замонининг охиригача турк тили билла шуъро пайдо бўлдилин ҳам хуштаб салотини зуҳурга келди. Шуъро Саккокий-ву Хайдар Хоразмий ва Атоий-ву Муқимий ва Яқиний-ву Амрий ва Гадоийдеглар».

Шоирнинг оти ва унинг маснавийси «Абушух» луғатида ҳам тилга олинган. Луғатчи, классик ўзбек тилида ишлатилган сўзларнинг маъносини очиқлар экан, улуг ижодкорларнинг асарларидан ўрнақлар ҳам келтирди. Шуларнинг орасида Мир Хайдар ҳам бор. Масалан, «сўкла-» сўзининг таърифида ёзади: «сўкла-» – «кофлар» «коф-е арабий»дур, амр эдуп «соз чал» маъносинадурки, «Махзан Мир Хайдар»да мақолаи аввалда келурки, байт:

Турк сурудини тузук бирла туз, Яхши аялгу билла сўкла кўбуз».

Кунимизгача «Махзану-л-асрор» маснавийсининг уйғур ва араб ёзуви кўлэмалари етиб келган. Маснавийнинг араб ёзуви кўлэмалари кўп; фанга маълум бўлганлари йиғирмага яқин. Уйғур ёзуви кўлэмалар учта, улар асарнинг эски ва ўта кадрли нусхаларидир.

(1) «Махзану-л-асрор»нинг Алишох бахши тарафидан уйғур хатида кўчирилган, хозирда Берлиндаги Миллий кутубхонада Ms. orient. Oct. 358 кўрсаткичи остида сақланаётган кўлэмаси. Ушбу кўлэмаси маснавийнинг бизгача етиб келган нусхалари орасида энг эскиси бўлиб, ҳам ёзув тарихи, ҳам матн тарихи учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Муқоваси ўзиники, жигарранг чармдан. Устки муқованинг ўртасида йирк бодомсимон тамга, устига ва остига нақшли кичик тамгачалар ишланган, ёзуви йўқ.

Китобнинг бошланишида икки бети бўш. Кейинги варақларидан бошлаб, хар қайси варақнинг устки бурчагига хозирги ёзувда рақамлаб чиқилган. Лекин бу янги рақамлар варақлар кетма-кетлигини тиклашга имкон бермайди. Афтидан, китоб сўнгги кутубхонага келиб тушганда варақлари чиқиб, қоришиб кетган чоғи. Кутубхонада унутилган ёзувини ўқий олмади, турган ҳолида эски муқовага тикиб кўйилверган кўрилади.

«МАХЗАНУ-Л-АСРОР»

маснавийсининг эски кўлэмалари

1а-бетиде бир неча муҳрлар бошилиб, улар билан боғлиқ қайлар битиб кўйилган. Сўнгги муҳрдан бошқалари араб хатида. Энг остидаги муҳри ва китоб билан боғлиқ бир неча қайлар янги. Улар китобнинг кутубхонадан кутубхонага ўтиб келганини билдиради.

Асар матни китобнинг 1б-бетидан бошланади. Китоб нақшли унвон билан очилди; бошдан-охир зарҳал чизикли жадвалга олинган. Орада сарлавҳалар учун жой қолдирилган; улар ҳам зарҳал чизиклар билан ўроғлиқ. Чамаси бахши сарлавҳаларни бошқа бир сиеҳда, ўзига яраша хат услубида ёзиб чиқишни кўзлаган кўринида, лекин иш тугамай қолган.

Матн ёлғиз уйғур хатида. Илк унвонли бетиде етти қатор, қолганларида ўн бир қатордан қилиб битилган. Қаторларнинг оралари очик. Кимдир кейинчалик бундан фойдаланиб, асар бошланишидаги тўрт қатор, 2а-бетидеги биринчи қатор остига уйғур ёзуви матнининг ўқилишини араб ёзувида ёзиб чиқкан.

Хат услуби ва оддийлиги ҳам уни бошқа бир кимса ёзиб қўйганини билдириб турибди. Лекин уйғур ёзуви матн ориликлари кейинчалик унинг ўқилиши араб хатида ёзиб чиқишга мўлжалланган эмас. Уйғур ёзуви матнга сатр узра бир чизикда ҳаракатлар қўйиб чиқишни мўлжаллаб орилик кенг олинган. Яна бир жиҳати, агар орага араб хати билан ўқилишини ёзиб чиқиш мўлжалланганида уйғур ёзуви матнга арабча диакретик белгилар бошдан охир қўйиб чиқилмаган бўларди.

Кўлэмани кўчирган бахшининг оти китоб сўнгиде – асар тугагандан кейин «Алишох бахши» деб ёзиб қўйилди. Темурийлар замонида уйғур хатида битувчи хатотларни «бахши» деганлар.

Алишох бахши Хирот бахшилар мактабининг кўзга кўринган намояндаларидан бири. У яна «Меърожнома», «Тазкирайи авлиё» асарларини ҳам уйғур хатида кўчирган, ўта маҳоратли бахши.

(2) Истанбул университети кутубхонасида сақланаётган FУ 1423 кўрсаткичи кўлэманинг 10б-11а-бетларида «Махзану-л-асрор»дан олинган 33 байтли узинди битилган. Уйғур ёзуви матн теварағида арабча ва форсча матнлар ҳам бор. «Махзану-л-асрор»нинг бошланишига кўфий услубида басмала ёзилиб, остида уйғур хати билан «Мин мақолат-и Махзану-л-асрор» деб сарлавҳа қўйилган. Иккала бетдаги уйғур ёзуви матн йирк ва кичик харфларда: йирк харфлар араб хатининг кўфий услуби сингари; кичик харфлар эса уйғур ёзуви «Қутадғу билиг», «Меърожнома», «Тазкирайи авлиё» кўлэмаларининг хат услубидадир.



11а-бетининг остида китоба қайди ҳам ёзиб қўйилди. Унга кўра, ушбу матни Зайну-л-обидин Ал-Хусайний битган. Кунимизгача сақланган уйғур ёзуви кўлэмаларга кўра, Зайну-л-обидин бахши Самарқанд бахшилар мактабининг таникли кишиларидан бири бўлиб, унинг тарафидан битилган уйғур ёзуви кўлэмалар Шарқда довроқ қозонган. Шулардан бири, «Хиба-ту-л-хақоий»нинг 1441 йили Самарқандда кўчирилган уйғур ёзуви нусхасидир.

Уйғур хатининг кўфий хати сингари услубини Зайну-л-обидин кўчирган кўлэмалардагина кўрдим. Адиб Аҳмад Югнакий асарининг Самарқанд кўлэмасида ҳам кўфий сингари услубда «Атабату-л-хақоий китоби» деб сарлавҳа қўйилган. Асардаги ҳамд бўлимининг «Набий, алайҳис-салом, наътинда» сарлавҳаси ҳам аша шундай хат услубида.

(3) «Махзану-л-асрор» маснавийсининг Абдураззоқ бахши тарафидан 1480 йили Истанбулда кўчирилган уйғур ёзуви мажмуа таркибидаги нусхаси. Кўлэмаси хозирда Истанбулдаги Аёсофия масжиди кутубхонасида 4757 кўрсаткичи билан сақланмоқда. Бу маснавийнинг сақланган кўлэмалари орасида тартибли битилганларидан бири.

Китобнинг муқоваси ўзиники, қорамтир чармдан; қопқоқли муқова. Муқованинг юзига ҳам, терс тарафига ҳам бодомсимон тамга ишланиб, уларнинг учи ва ост қисмига кичик нақшлар чизилган. Қопқоғида эса доирасимон нақши бор. Муқованинг қопқоғининг ҳам теварағи нақшли жадваллар билан ўроғлиқ. Муқовадаги жадваллар ва тамгалар зарҳалда.

Мажмуанинг 1б-27а-бетларида Адиб Аҳмад Югнакий каламига тегишли «Хиба-ту-л-хақоий» асари

битилган. Мир Хайдарнинг «Махзану-л-асрор» асари эса мажмуа китобининг 28б-81а-бетларида.

Мажмуадаги барча асарлар икки хил ёзуви: матн уйғур хатида битилиб, унинг ўқилиши тағида араб хатида ёзиб чиқилган.

Кўлэманинг кўчирилиш тарихи (колофон) бир ўринда – «Махзану-л-асрор» тугаганидан сўнг битилган, холос. У шундай ўқилди: «Тарих секиз юз сексан дўртда, тўнгуз йили, зулкада айнинг ўн етисиде, шамба кунни тамом бўлди. Қутлуг бўлсун, давлат келсун, меҳнат кетсун теп Шайхзода Абдураззоқ бахши Қўстананияда битиди». Уйғур ёзуви матнида яна «битиди» сўзининг охирига бахши ўз қўлини ҳам қўйиб қўйган.

Муҳими шундаки, Абдураззоқ бахши асли самарқандлик. Кейинчалик турк султонининг давлати билан Истанбулга бориб, ўша ерда уйғур ёзуви кўлэмаси китобларни кўчириш билан шугулланган. Унинг учун уйғур ёзуви китоблар Хирот, Самарқанд, Язд маданий марказларидан етказиб турилган. Ҳатто «Қутадғу билиг»нинг машҳур уйғур ёзуви нусхаси Хиротдан унинг учун йўборилган. Ушбу кўлэманинг охириги бетига Абдураззоқ бахши ўз шеърларидан ҳам битиб қўйган, лекин «Қутадғу билиг»дан нусха кўчирганими-йўқми, аниқ эмас. Яна бир жиҳати, Абдураззоқ бахши ўз шеърларидан кейин уйғур хатида қўл қўйиб, тағига «бахши белгуси» деб ёзиб ҳам қўйибди. «Махзану-л-асрор» охиридаги тарих охирига қўйилган қўл ҳам айнан шунинг ўзи.

Ушбу кўлэмаси нусханинг ютуқларидан бири, асар ва ички бўлим ҳамда хикоятларнинг сарлавҳалари тўлиқ қўйиб чиқилган.

Асарнинг бошланишига: «Махзану-л-асрор-и Мавлоно Хайдар алайҳи-р-рахма» деб сарлавҳа қўйилган.

Ички сарлавҳалари икки хил: бошланишидаги ва матн давомидидаги айрим сарлавҳалар арабча ва форсча, улар зарҳалда битилган.

Туркий сарлавҳалар куюк қоранда уйғур хати билан, ўқилиши эса тағма-тағ араб хатида битилган. Туркийлари шундай: «Мирзо Искандарнинг хусн-и тахаллуси»; «Якуби пайгамбар хикояти, алайҳис-салом»; «Султон Темурбегнинг бу бир хикояти, тақриб-и тасриф учун айтур»; «Сулаймон пайгамбар алайҳис-саломнинг хикояти, тақриб учун келтуруп турур» сингари.

Асар бошдан охир қоранда уйғур харфлари билан, уларнинг ўқилиши араб харфлари билан қирмизи рангда битилган; хар бетиде ўн бир қатор-

дан. Хати ниҳоятда чиروي. Тартиб билан кўчирилган кўлэмаси.

Уйғур ёзуви матнининг хат услуби «Қутадғу билиг», «Тазкирайи авлиё», «Хиба-ту-л-хақоий»нинг Зайну-л-Обидин бахши кўчирган Самарқанд кўлэмаси услубидан фарқ қилади.

Хар қайси варақнинг остида уйғур ёзуви матнга пойғир белгилари қўйиб кетилган.

Кўлэмаси китобнинг 81б-88б-бетларида Мавлоно Лутфий ва Саккокийнинг ғазалларидан битилган.

Мавлоно Лутфий ғазалларига «Лутфий айтур»; «Бу дағи Лутфийнинг ғазали»; «Бу дағи Лутфийнинг»; «Мавлоно Лутфийнинг ғазали»; «Лутфий ғазали» деб, Саккокий ғазалларига эса «Саккокий айтур»; «Саккокийнинг ғазалларидин яна бир ғазал айтур» деб сарлавҳалар қўйиб чиқилган. Улар ҳам куюк қоранда уйғур хатида битилиб, ўқилиши тағма-тағ араб хатида берилган.

Темурийлар даври ёзув маданиятида ўтмиш аъналарига, ота-боболардан қолган ёзувларга эътибор катта эди. Темурийлар давлатида тарихнавислик, бадий адабиёт, таълим ва фан соҳаси, давлат девонхоналари ва ҳўжалик ишларида, расмий-дипломатик муносабатларда икки хил

ёзув – эски уйғур ва араб алифболари ишлатилган. Уйғур ёзуви Темурийлар давлатининг расмий ёзуви эди. Туркий-ислом дунёсида оталардан қолган эски ўзбек ёзма адабий тили («чиғатоғ тили») ёдгорликлари икки хил – уйғур ва араб ёзувларидадир.

Туркий халқларнинг ёзув маданияти тарихида XIV-XV юз йиллар эски туркий ёзувдан араб хатига ўтиш босқичи саналади. Шунга қарамай, бадий адабиёт, тарихнависликда, шу қаторда давлат ҳўжатчилик ишлари, халқаро дипломатик муносабатларда уйғур хатининг (Навоий сўзи билан айтганда «туркча хат») мавке юқори эди. Эски турк ёзув аънасини сақлаб, турк-ислом дунёсида уйғур хатини сўнг бор қўллаган ҳам Темурийлардир. Темурбег ўз салтанатининг расмий ишларида, ички ҳамда ташқи дипломатик муносабатларда, бадий адабиёт соҳасида, билим кишилари орасида ота-боболардан мерос қолган уйғур хатининг кенг амал қилишига хайрихолик қилди ва бунинг ижросига катта эътибор қаратди. Темурийлар даврида уйғур хати, араб хати билан тенгма-тенг, туркий ёзма адабий тилининг етакчи, бутун бир салтанатнинг иш юритувчи расмий ёзуви эди. Темурийлар даври маданий ва адабий


алоқалари таъсирида турк султонлари ҳам ўз саройларида уйғур хатини ишлатганлар.

Мир Хайдарнинг «Махзану-л-асрор» маснавийси XV юз йил биринчи ями ўзбек адабиётининг кўзга кўринган асарларидан биридир. Шоир Мир Хайдарнинг, қолаверса, ўша даврда яшаб ижод қилган, Атоий, Гадоий, Лутфий, Саккокий сингари ижодкорларнинг муносиб уйғур хатида чиккан. Мир Хайдар ўзининг «Махзану-л-асрор» маснавийсини ҳам уйғур хатида ёзиб, Султон Искандарга тортиқ қилган бўлуви керак. Асарнинг араб ёзуви нусхалари кейинчалик ана шу матнга таъниб кўчирилган дейиш мумкин.

Асарнинг кунимизгача етиб келган кўлэмалари уйғур ва араб ёзувларида бўлиб, уйғур ёзувидагилари анча эскидир. Яна бир жиҳати, маснавийнинг Хиротда Алишох бахши ва Истанбулда Абдураззоқ бахши кўчирган кўлэмалари ўрта асрлар китобат санъатининг нодир ёдгорликлари саналади.

Айтиш ўринлики, маснавийнинг хозирги илмий нашрлари, араб ёзуви нусхалар асосида яратилаётир. Уйғур ёзуви нусхалар эса четда қолмоқда. Ваҳоланки, муаллиф матнини тиклашда уйғур ёзуви кўлэмаларнинг аҳамияти муҳимроқ. Шу жиҳатдан, маснавийнинг уйғур ёзуви нусхаларини ўрганишга ҳам катта эътибор қаратилмоғи керак.

Қосимжон СОДИҚОВ,
филология фанлари доктори,
профессор



Суратда: Атоқий адиб Шуқур Холмирқазев ёзувчи Нодир Норматов ва расом Рўзи Чориев билан.

ИЖОДНИНГ ШИРИН АЗОБЛАРИ

Қашқадарёнинг сўлим гўшасида тугилиб, тоғлару сойлар руҳидан баҳраманд бўлиб воёга етган, эл меҳрини, Ватани тарихи ва бугунини куйлашга қодир қалб билан қўлида қалам тутган ҳассос адиба Шарофат Ашурованинг айни дамгача чоп етган асарларини ўқиб, адибанинг руҳий дунёсини тушуна билиш учун ҳам ҳадис билан, хар бир асарини китобхон учун янги дунёларга эшик очиб берадиган олтин қалитга киёс этдим.

Кўхна Насафининг маънавий илди-лари ҳақида гап кетганда шу заминда бунёд бўлган маданий марказлар, ҳадис ва фикр мактаблари, исломий обидаларимизга тўхталиб ўтмасдан бўлмади. Босис, Насафининг бағрида тугилиб, воёга етган хар бир улуг зотнинг фаолияти бугунги кун авлодларининг тақдири билан қамбарчас боғлиқдир. Кўплаб тарихий асарлар муаллифи Шарофат Ашурова ана шундай тарихий сиймоларимизни, мухтажлар тарихимизни, унутиб бўлмас қадриятларимизни бадий адабиётга олиб кирган таникли ижодкорлардир.

Шарофат опа ўз овози, ўз услубига эга қалам соҳибасидир. Адиба хонадониде меҳмон бўлган киши дунё ташвишларини унутиб, қадим тарихимизга, улуг пирларимизнинг покиза оламларига саёҳат қилади. Ҳаётимизга гоҳ яқин, гоҳ узок туюлган мўъжизавий ҳақиқатлардан

хабардор бўлади, завқланади, фахрланади, ўйга толади, руҳи уйғонади. Адибанинг киши кўнглига файз бағишлайдиган, қадимий китобларга, кўлэмаларга бой маърифатли хонадониде бўлганимда ижоднинг ширин азобини туйган қалам соҳибасининг сирли оламини кашф қилдим.

Айни кунга қадар адибанинг «Қусам шайх» романи, «Илоҳий тун», «Жарчлар қисмати», «Сабр султони», «Бир қашта қисмати», «Пойга» каби киссалари, «Дўмбира», «Жаннат шамоли» каби хикоялар тўпламлари, «Насаф муқарнаси», «Мерос абадияти», «Маънавият жаҳоҳири», «Яхшилар тажаллиси» тарихий-публицистик тўпламлари чоп этилди. Бевоқифа унинг ташаббуси билан 2016 йили Чирокчи туманидаги «Мирзаёр халифа», «Кўк тўнли ота», Қарши шаҳридаги «Хазрати эшон», «Мушкул она» каби зиёратгоҳлар кашф этилган бўлса, 2017 йили Қарши шаҳридаги «Шарофбой», «Абдуллаҳон», «Қиличбой», «Бекмуродбой», «Хўжа Курбон» мадрасалари тарихи тадқиқ этилган. Ушбу мажмуалар қошида маърифатхоналар очилишида адиба фаол иштирок этиб, «Хўжа бош ота», «Кўктўнли ота», «Тутак ота», «Арслонбой ота» каби тарихий жойлар ҳақида китоблар ҳам яратди.

Илк ёзилган хикояларини ўқиган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров ёшгина ёзувчи ижодига шундай баҳо берган эди: «Ўзбекнинг миллий маданияти водийдан бошланган деб юрардим. Шарофатнинг илдиизи чуқур хикояларини ўқиб, дунёнинг яралиши Қашқадарёдан бошланганим, деб ўйлаб қолдим». Устоз адиб Асқад Мухтор ҳам адиба ижодини ўз битикларида тилга олган: «Қашқадарёлик ёш адиба Шарофат Ашуровани шахсан танимаймиз, аммо хикоя-



ларидаги ўзига хослик мени ҳайратга солди. Инсон тақдирини осмон жисмларига боғлаш илмини «Тўғал» хикоясида гўзал бир таразда ёритган. Адибанинг ижодини янаям чуқурроқ, кенгроқ таҳлил этиш лозим.

Иктидорли адиба Шарофат Ашурованинг «Тўғал» хикояси чорвадорлар ҳаётининг ўзига хос деталлари, экзотикаси билан бойитилган. Сюжет оддий: Абдушуқур бобонинг келини бева қолган, аммо кетказгиси йўқ, лекин Сайгул ёш, нима қилсин? Кетадими-кетмайдими, биз билмаймиз, аммо бу ҳолатнинг психологияси тўла-тўқис берилган. Тил, ҳолат, тасаввур жуда халқчил. Аза жойини қисқартирши мумкин. Биргина хикояда чинакам ижодни кўриш мумкин». Бундай эътирофлар ва эътиборли фикрлар Шарофат Ашурованинг бугунги кунда ҳам каламини қўлидан қўймай, даврининг шиддаткор руҳига муносиб ҳақиқат қилишига рағбат бергани асл ҳақиқатдир.

Хонадонидеги сўхбатларимизнинг бирида Шарофат опа илк бора махзун ҳолда кўнглини очганди:

– Таникли устоз ижодкорларнинг эътирофларини эсласам, қалбим гурурга тўлиб кетарди. Бирок шу қувончлар ичиде юрагимни ўртаган шахсий изтиробимнинг ҳам чеки йўқ эди. Чунки биз

фарзандсиз эдик. Фарзанд тилаш мақсадида Аҳмад Ясавий ҳазратларининг пойига (1983 йилда) зиёратга борганман. Бу ерга ўша пайтда зиёратга кам келишар экан, борганлари ҳам ўзимизнинг юртдошларимиз. Худога илтижо қилиб, тилгимни сўраб ўтирсам, бир қозок кампир атрофини айланб ўтди. Менинг ахволга ачинганидан гўдраниб кетди: – Ув, бунча куйинча бўлмасанг, ана у жокда яна бир Ойбек деғонлари ашагон, «Навоий» деган роман ёзаман деб қайно-тасининг эшигиде юраркан, – деди.

– Саидносирхон эшоннинг уйлари яқинми, – деб сўрадим.

– Тилинг бор экангўй, ҳа, эшоннинг кўёви Ойбек, ана у жайда жашаган...

Кетишимиздан бир кун аввал қозок кампир кўрсатган манзилга бордим. Эшоннинг ҳовлиси қанақадир етимхонами, боғчам бўлган чоғи, ок қалатли аёллар нариги томонларда ивирсиб юрибди. Мен эса ўша замонлардан қилиб кетган, илгари анча эътибор билан қурлган бўлса-да, ўтиригилари кийшайиб қолган айвончага бориб ўтирдим. Қанча ўй суриб ўтирганимни билмайман, ажриқлар орасидан бир қаламнинг кети қўринди, пайпаслаб, уни олдим. Қалам яримлаб қолган, аммо орқа томони роса тишлаб ташланган. Тошкентга қайтиб, суриштирсам, Ой-

бек домланинг ҳовли-уйлари биз яшайдиган маҳаллага яқин экан. Бир куни қаламчани қўлимга олиб, устознинг хонадонига бордим. У ерда бир давра олимларни учратдим, яна бир қанча ижодкорлар ва Ойбек домланинг аёли, профессор Зарифа Саидносирова билан танишдим. Сўнгра, холи қолганимизда қаламни кўрсатган эдим, Зарифа опа ҳайрон бўлиб:

– Ростдан ҳам Ойбек домлангизнинг қалами-ку бу қалам, – деди ажабланиб. – Ўчириб ёзишга ўнғай бўлсин учун қаламдан фойдалангач, ўй суриб ўтиргиларича, қаламнинг орқа тарафини чайнаб ўтириш одалари бор эди. Бунда ҳам бир ҳикमत бор, албатта, қизим, ҳали ёш экансиз, устозингизнинг йўлини берсин, Ойбекнинг ижод йўлини тилайман, – дед дуо қилди.

Шарофат опа «Олтин мерос» жамғармасининг Қашқадарё вилояти бўлими ранси сифатида ёшларга ва ижодкорларга қўмақ бериб келмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан адибанинг «Сайланма» хикоялар тўплами нашрга тайёрланмоқда. Мен эса адибанинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган эсселар тўпламини яқинда нашриётга топширдим. Янги асарларини ўқийши қутаётган китобхонларимиз номидан таниқли адибанимизга тилгимиз шу: Сизни халқимиз, кўп сонли мухлис-ларингиз меҳри ҳеч қачон тарқ этмасин.

Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, шоира

БАДИИЯТ ВА НАЗАРИЯ

Бадийлик ва унга хос хусусиятлар ҳақида адабиётшуносликка оид айрим дарслик ҳамда қўлланмаларда умумий маълумотлар учрайди. Бадийлик ҳодисасининг миллийлик тамойилларига асосланган яхлит ва чуқур тадқиқини марҳум олим, филология фанлари доктори, профессор Б.Саримсоқовнинг “Бадийлик асослари ва мезонлари” китобида қўриш мумкин. Китоб дастлаб 2004 йили жуда оз нусхада чоп этилган эди. Орадан салкам йигирма йил вақт ўтиб, олий ўқув юртилари филолог-мутахассислари ва талабалар орасида айни шу асарга эҳти- ёж борлиги маълум бўлди. Буни тўғри англаган филология фанлари номзоди, доцент Ҳошимжон Ахмедов мазкур қўлланмани тўлдириб, қайта нашр эттирди. Қувонарлиси, иккинчи нашр биринчисидан фарқли ўлароқ, профес- сорнинг бир нечта салмоқли мақолаларини ҳам ўз ичига олган.

СЎЗНИНГ ОБРАЗГА АЙЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Рисоланинг “Бадийлик моҳияти ва асослари” деб номланувчи дастлабки бобида берилган мақолаларда муаллифнинг бадий образ ва образлилик тушунчалари хусусида олиб борган баҳслари илмий мезонларга асосланган. Ўрни келганда олимнинг илмдаги плагиатликка, ёлгон ва риёкорликка қарши муроасиз бўлганини таъкидлаш жоиз. Профессор Б.Саримсоқовнинг илмдаги хизматлари, аввало, бирёклама қарашлар ва чалқашликларга ўз ўрнида барҳам бергани билан аҳамиятлидир. Бадий образнинг хусусиятлари ҳақида сўз юритар экан, олим унинг инсон онги, руҳи, хис-туйғулари орқали акс этган воқеликдан иборат эканини таъкидлайди. Яъни қўриш, эшитиш, сезиш, таъь ва хид билиш каби сез- гилар орқали киши онгида вуқудга келадиган маълумотлар яхлитлашади (синтезлашади). Бу ҳолат Б.Саримсоқовга кўра, “бадий образнинг моҳиятчилигини таъминлайди”. Муаллиф бадий образнинг моҳиятчилиги, яхлитлиги, кенг камров- лилиги, шаклдан мазмунга томон йўналганлиги каби тўрт тилик хусусиятларига атрафлича тўхталди. Айниқса, адаби- ётшуносликнинг сўзнинг образга айланиш жараёни борасидаги фикр-мулоҳазаларни диққатга сазор: “Сўз бадий образга айланишида ўзига ҳам мазмуний, ҳам шаклий жиҳатдан катта эстетик юк олади. Агар кундалик нутқимизда “қуёш нури”, “булуғ”, “ёмғир”, “қор”, “шамол”, “сув” каби сўзлар оддий метеорологик тушунчаларни англатса, бадий асарда улар муайян нарсаларнинг образига айланиб, шахснинг хис-туй- ғуларига таъсир кўрсатадилар, турлича таассуротлар, кайфи- ятлар уйғотиб, онгимизни бойтадилар”. Сўзнинг ўз маъно- сидан кўчиб, муайян нарса ёки ҳодисанинг мажозий, рамзий ёки метафорик тимсолига айланиши ўзбек адабиётидаги бе- тақоррор ижод намуналари миқдосида кўрсатиб берилган.

Адабиётшуносликдаги яна бир муҳим муаммо – қайси сўз туркумларининг образга айлана олиши масаласи рисолада соф филологик нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Унга кўра, тилдаги барча сўз туркумлари образга айлана олиш имкони- ятига эга эмас. Фақат от, оломш ва феъл туркумидаги, шунинг- дек, отланган барча туркумдаги сўзлар бадий контекста образга айлана олади. Сабаби шундаки, образга айланувчи сўз туркуми нарса, шахс ёки унинг ҳолати – ҳаракатини ифо- далай олиши лозим. Бу каби илмий кашфиётлар нафақат адабиётшунослик, балки тилшуносликда ҳам қимматли аҳа- мият касб этади. Сўзларнинг икки усул – маъно кўчмлари ва ўзаро алоқа муносабатлари ёрдамида образга айланиш жараёнлари хусусида фикр юритилган ўринда истиора, ме- тафора, метонимия, синекдоха, оксиморон, ташбеҳ сингари бадий санъатларнинг истилоҳий маъносидан тортиб, ўзбек адабиётининг ёрқин намоёндалари, Миртемир, Рауф Парфи, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Хуршид Даврон ва бошқалар ижодида қўлланишигача атрафлича тахлил тадқиқ этилган.

Рисоладаги бадий талқинларни ўқиб, бадий асарнинг кейинги умри, ҳақиқатан ҳам, адабиётшунос қўлида эканига яна бир бор амин бўласиз. Гарчи бошқа тадқиқотчилар, ада- биётшунос олимлар томонидан кўп марта ўрганилган асарлар бўлса-да, Б.Саримсоқов улардаги бошқалар эътибор қилмаган жиҳатларни илғай олган. Масалан, Миртемир шерьяти бошқа адабиётшунослар томонидан етарлича тадқиқ этилган. Бироқ мазкур рисоладаги “Онагиман” шерьининг талқини ҳеч бир олим назарида туйғуларнинг бунчалар ҳаётий ва ёрқин сурати- ни топмаган. Профессор бадий сўз назариясини муайян бир давр, бўлим ёки йўналиш доирасида эмас, балки бир бутун ти- зим сифатида, тизимли ҳолда тадқиқ этган.

Ижодкор руҳиятида кечадиган бадий кечинма ва унинг турли адабий турларда ўзига хос тарзда намоён бўлиши ху- сусида фикр юритган олим “Бадий кечинма реал воқелик таассуротларини ўзига хос образлар шаклида жонлантирув- чи, фаоллаштирувчи руҳий ва аклий жараёнлар ҳосиласидан иборат. Образнинг дояси хиссиёт бўлса, мураббийси ақл ва мантиқдир”, деб ёзади. Бу ўринда бадий кечинма замири- да яратилувчи образнинг хис-туйғу ёрдамида дунёга келиб, ақл ва мантик асосида шаклланиши, умуман, бадий асар яратилишидаги барча омилларнинг ўзаро қамбарчас боғлиқ экани кўрсатиб берилган. Хис ва ақли бадий кечинманинг “икки қаноти” дея таърифлаган олим образ яратилишида

иккала тушунча бир хил нисбатда бўлишининг тарафдо- ри. Аслида ҳам, агар образ таркибида фақат хиссий меъёр устулик қилса, у холда образнинг ҳаётий мантик билан уйғунлигига путур етади. Агар ақл устулик қилса, образ- нинг таъсирчанлиги, бадийлиги пасаяди. Демак, бадий асарнинг мукамаллиги бадий кечинмадаги хиссий ва ак- лий нисбатнинг уйғунлигига боғлиқ. Буни тўғри англаган Б.Саримсоқов хис ва ақл уйғунлигини образлиликнинг бош хусусияти деб кўрсатади. Шу ўринда рисоладаги “Об- раз таркибидаги хиссий компонент фалон фозис, аклий хис- са фалон фозис бўлиши лозим, бу нисбатни ижодкорнинг ўзи белгилайди ва ана шу нисбат унинг маҳорат мезонига ўлчов бўлади”, деган фикрга бироз эътирозимиз бор. Биз- нингча, ижодкор ижод жараёнида, айниқса, илҳом оғушида бўлган кезлари хиссий ва аклий компонентларга мутлақо аҳамият бермайди. Яъни айни пайтда у ўзида бўлмайди, унда ақл ва хис ҳақида ўйлашга-да имкон йўқ. Бунда ижод- кор гайришуурий ҳолатда бўлади. Бинобарин, ақл ва хис нисбати бадий асарда ижодкорга боғлиқ бўлмаган тарзда инъикос топади. Демак, мазкур нисбатнинг қай даражада бўлишини ижодкор белгилай олмайд.

Адабий турлар ва улар таркибига кирувчи жанрлар та- лаби билан боғлиқ холда бадий кечинманинг турли да- ражада воқе бўлиши, лирик, эпик, драматик ва паремик кечинмаларнинг ўзига хос хусусиятлари мақолада илмий жиҳатдан асослаб берилган. Хар бир адабий турда бадий кечинма ўзига хос тарзда намоён бўлиши, хар бир адабий турга хос ҳаёт воқелигининг танланиши ва тасвирланиши масалалари атрафлича ёритилган.

Бизнингча, олимнинг тўртинчи адабий тур ҳақидаги ка- рашларини ўзбек адабиётшунослигида илмий кашфиёт да- ражасида баҳолаш мумкин. Б.Саримсоқов паремия адабий турига хос бўлган хусусиятлар, унинг жанрлар таркиби ва генезиси, шаклий хоссалари, тузилишини назарий жиҳат- дан пухта тадқиқ этган. “Паремия адабий турининг ада- бий жараёнда мавжудлиги инкор қилиб бўлмас ҳақиқат- дир. Бу адабий тур айрим ижодкорлар ёки олимларнинг хоҳиш-иродаси билан кашф этилган адабий ҳодиса эмас. Бинобарин, бу адабий турни бутун адабиётшунослик қабул қиладими ёки қилмайди, бу масаланинг моҳиятини ҳал этмайди. Биз ишонамизки, адабиётшунослик келажакда паремия турини тўла эътироф этади”, дея ўз мулоҳазалари- ни дадил олга суради ва мазкур фикрларини илмий жиҳат- дан чуқур асослаб беради. Қўлланмада, шунингдек, бади- ийлик қонуниятлари ва мезонлари бўлиши ҳаққонийлик, самимилик, мазмун ва шакл мутаносиблиги, пафоснинг ҳаётийлиги ва тиниклиги, тасвир ва ифоданинг аниқлиги, образнинг яхлит тизимлиги, бетакрорлиги, шартлилик миқёси ва даражаси, тил бадийлиги каби масалалар ҳам тадқиқ этилган.

Китобдан жой олган “Адабиётнинг ижтимоий табиати”, “Бадий ўзбек маросим фольклорининг мустақил жанри си- фатида”, “Эртақ олин яратилган ё дoston?”, “Масъулият ва изланиш самараси”, “Ўзбек адабиётида сажънинг пайдо бўлиши масаласига доир”, “Ўзбек фольклорининг ижодий методларини аниқлаш масаласи”, “Ўзбек тўй маросими- га оид бир жаиар”, “Тажисе”, “Халқ дostonлари таснифи ва оралик шакллар масаласи”, “Мотам ёр-ёрлари ҳақида” номли мақолаларнинг хар бири фандаги муҳим муаммолар ечимига қаратилган.

Умуман, “Бадийлик асослари ва мезонлари” асари яра- тилганига салкам чорак аср бўлганига қарамай, ҳамон ба- дий сўз талқини ва тадқиқига бағишланган муҳим илмий манба сифатида илмий қимматини йўқотмаган ва йўқот- майди ҳам. Бунда профессор Баҳодир Саримсоқовдаги ижодий ўзига хослик қомусийлик, мантиқийлик билан бир- қалликда, олим қўллаган илмий услуб, ёндашув усуллари ва тадқиқ принциплари муҳим роль ўйнайди. Айни жиҳатлар олим асарларини умрбоқийлик сари етакловчи омиллар де- сак, муволаға бўлмас.

Зарина РАҲМОНОВА, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

МУСИҚИЙ ПУБЛИЦИСТИКА НАМОЯНДАСИ

Бошланиши 1- саҳифада

Аслида муסיқий публицистика му- сикашуносликнинг илмий ижодий фаолият доирасига қиради. Аммо му- сикашуносларнинг ҳаммаси ҳам ушбу ўзига хос кўпқиррали қобилиятни талаб этувчи фаолият билан шугул- ланавермайди. Шугулланган тақдир- да ҳам, бу фаолиятнинг ўзининг касбий кизиқишлари доирасида амалга оши- ради, холос. И.Гулзарова эса соҳадаги ўзининг ақсар ҳаракатлари ва излани- шарини айнан кенг аудитория билан очик самимий мулоқот тарзида олиб боради.

Концертларга муסיқашунослардан ташқари, муסיқадан хабари йўқ бўлган оддий ҳавасманд томошабинлар ҳам келади. Одатда, муסיқачи санъаткор билан оддий томошабиннинг муסיқа тинглашга бўлган ёндашуви турлича. Муסיқа илмидан бохабар томошабин асарни тинглаганда ўзининг соҳага оид касбий билимларини ишга солади. Оддий томошабин эса, муסיқани ҳеч қандай ёндашувсиз холис тинглайди. Шундай экан, оддий томошабини янгра- ётган асарнинг мазмунини англашга интилиб, ўз тасавурида муайян об- разлар ва жараёнларни жонлантиради. Бундай пайтда асарни эълон қилган бошловчи муסיқачи бўлган оддий томошабинга аниқ тушунча-йўналиш бериши ниҳоятда муҳим.

Дарҳақиқат, Инесса Гулзарова том маънода бошловчидир. У саҳнага чиқиб, ижро этилиши қутилаётган асар- ни эълон қилишига қолмай, балки ушбу асарнинг яратилганда бевосита дахл- дордек сўзлайди. Унинг илмий нотик- лик маҳорати туфайли томошабиннинг ушбу асарни тинглашга иштиёқи ортади ва у фаол томошабинга айланади.

Инесса Гулзарова 1991 – 2006 йил- ларда Ўзбекистон телевидениесида “Муסיқий меҳмонхона” телекўрсату- вининг муаллиф-бошловчиси бўлган. 15 йил давомида И.Гулзарова бошчи- лик қилган “Муסיқий меҳмонхона”да муסיқа дунёсига оид воқеликлар ҳақи- да мулоҳазалар юритилиб, уларни муҳокама этиш ҳамда муסיқий ижро- дан баҳраманд бўлиш учун кўплаб санъат намоёндалари йилгилан. Шу тарихка “Муסיқий меҳмонхона” 400 марта эфирга узатилган, ўзбек муסיқа маданиятини тарғиб этадиган жиддий ижтимоий-маданий теледастур сифа- тида эътироф этилган.

Бундан ташқари, Гулзарова муал- лифлигида Ўзбекистон телевидение- си орқали намоийш этилган “Концерт залларида”, “Ўзбекистон дунёга очик”, “Арт-журнал”, “Кўзгу”, “Глобус”, “Ёздалик учун дастхат”, “Муסיқий шарҳ”, “Классик муסיқа кечалари” сингари дастурлар ҳам юртимиз мада- ний ҳаётини хар томонлама ёритишга хизмат қилган.

И.Гулзарова ўзининг маданий-маъ- рифий соҳадаги фаолияти давомида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги томо- нидан суратта олинган “Ўзбекистон фортепиано мактаби” номли филь- мининг сценарийсини ёзган ва ушбу фильм мутахассислар ўртасида катта воқеа сифатида қабул қилинган.

2001 йилдан эътиборан И.Гулзарова В.Спиwakов номидаги Халқаро хайрия жамғармасининг Ўзбекистондаги ва- кили ҳисобланади. Ушбу жамғарма- нинг фаолияти дунёдаги ёш иктидорли муסיқачиларга кўмак беришдан ибо- рат. Инесса Сергеевна жамғарманинг Ўзбекистонда ташкил этиладиган бар- ча тадбирларига масъул ҳисобланади. Ўтган йиллар мобайнида юртимиз- даги кўплаб иктидорли ўғил, қизлар ушбу жамғарманинг стипендияга айланди. Улар орасида Азиз Шоҳа- кимов, Руслан Бекмаев, Бекзод Аб- дураимов, Шохрух Содиков, Дониёр Зупаров, Нодир Ҳошимов, Ирэна Гул- зарова, Тамила Салимжонова, Асадбек Аюбжоновлар бор. Халқаро жамғарма томонидан яқиндан кўрсатилган ижо- дий кўмак ва қўллаб-қувватлаш нати- жасида юртимиз ёшлари бугунги кун- да ўз ижодида юксак чўккиларни забт этиб, жаҳонга машхур муסיқачилар бўлиб етишди.

И.Гулзарова ҳаётининг яна бир ажралмас қисми унинг педагогик фао- лиятидир. У 1976 йил Тошкент давлат консерваториясини битирган пайтдан бошлаб бугунги кунда ҳам ушбу таъ- лим муассасасининг “Муסיқа тарихи ва танқидчилиги” кафедрасида талаба- ларга “Жаҳон муסיқа тарихи”, “Кино, телевидение, радио санъати”, “Му- сиқий танқидчиликнинг илмий асосла- ри” каби фанлардан сабоқ беради, ба- калавр ҳамда магистрларнинг диплом ишларига илмий раҳбарлик қилади. Гулзарованинг шоғирдлари доимий равишда халқаро ҳамда республика конференцияларида муваффақиятли катнашади.

И.Гулзарованинг илмий ва пу- блицистик фаолияти алоҳида эътибор- га молик. У учта йирик монография муаллифи. Булар, “Ўзбекский Орфей Коркмас Мухитдинов”, “Титан опер- ного театра Фирудин Сафаров”, “Эль- дар Азимов, Дирижёр с именем”. Ушбу монографияларни арақлар экансиз, муаллифининг истеъдоди, росттўйлиги, инсон қалбига чуқур кириб бориб, хо- лис баҳо бера олиш қобилиятига қойил қоласиз. Бундан ташқари, И.Гулзаро- ва тўртта ўқув қўлланма, Ўзбекистон муסיқа санъати намоёндаларининг ўндан ортик ижодий портрети, 600дан ортик илмий-оммабоп мақола муалли- фидир.

И.Гулзарованинг муסיқа танқид- чилиги йўналишида муҳим аҳамиятта молик ишларидан бири унинг “Ўзбе- кистон муסיқий ҳаёти мустақиллик йилларида” номли қўлланмасидир. Ушбу нашр Ўзбекистон муסיқий пу- блицистикасида муҳим ва кўпқиррали вазифини бажаради. Аввало, қўлланма тузилишига кўра янги. Ўқувчи ва та- лабалар у орқали тарихан яқин вақтни акс эттирувчи маҳаллий материални ўрганиш имкониятига эга бўлади. Шу- нингдек, қўлланма Истиклол йиллари- да маданий ҳаёт қўлами нақадар кенг тус олгани тўғрисида қимматли маълу- мотларни ўзида жамлаган.

Муҳими, ушбу қўлланма Ўзбе- кистон муסיқий журналистикасида жанрлар палитраси кенгайганини на-



мойиш этади. Қўлланманинг мазму- нида республикамизда ижрочиликни тадқиқ этишга қаратилган муסיқашу- носликнинг ривожланиши билан бир қаторда, муסיқий ижрочилик амали- ётининг тараккий этиши билан боғлиқ илмий гипотеза ҳам ўз ифодасини топ- ган.

Айтиш керакки, Инесса Сергеев- нани маҳоратли муסיқий публицист сифатида хорижда ҳам яхши таниша- ди. Зеро, жаҳон муסיқа санъатининг намоёндалари фундаментал тадқиқот- ларни яратиш чоғида Гулзарованинг фикр-мулоҳазаларини олишни ўзлари учун шараф деб билишади. Бундай санъаткорлардан Владимир Спиwakов, Толибхон Шохидий, Екатерина Шир- ман, Эмануэль Акс, Рудольф Бухбин- дер, Александр Мидоянц кабиларнинг айтиб ўтиш қийоа.

Инесса Сергеевна бахтли оила бе- каси. Унинг турмуш ўртоғи Ўзбеки- стон Республикасида хизмат кўрсатган артист, танқили созанда, самимий инсон Юнус Гулзаров. Юнус Алиев юртимизда саксофон қолусининг моҳир ижрочиси сифатида кенг танил- ган. У ўз оиласининг бахту саодатини мустаҳкам тутган посдон бўлиб, оила аъзоларининг касбий жиҳатдан хар томонлама ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратган. Фарзанди эса, Ўзбекистон давлат консерватория- сини, сўнгра Швейцариядаги Базель муסיқа академиясини тамомлаган та- никли пианиночи Ирэна Гулзарова. Айтиш керакки, Ирэна бугунги кунда Нью-Йоркдаги Карнеги Холл, Венада- ги Музикферайн, Цюрихдаги Тонхалл каби жаҳоннинг нуфузли саҳналарида юқори мартабали санъаткорлар билан ижодий ҳамкорликда ташкил этилган концертларда катнашиб, муваффақият қозонган. Муҳими, Ирэна дунё саҳна- ларига доимо Ўзбекистон номидан кичиди.

Кўриб турганимиздек, Инесса Гул- зарова ҳаётининг барча жабҳаларида муваффақиятга эришган инсон. Бун- дай машхурилик ва шухрат уни юксак даражадаги одоб, ақл-заковат ва саҳо- ват тимсолига айланттирди.


Ойдин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонуналик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

Адабий-бадий нашрлар

«Жаҳон Адабиёти»

2023 йил май сони

Журналнинг ушбу сонида жаҳон адабиётида яратилган ҳикоя жанри намуналарига кенг ўрин берилган. Атоқли рус ади- би Антон Чеховнинг “Бўса” хи- коясида ҳақиқий севги хар кан- дай муаммолардан, хатто ўлим ва урушдан ҳам қучилилиги са- мимий тарзда реалистик тасвир- лар орқали кўрсатилади. Асарни Ҳумоюн Акбар таржимасида ўқийсиз. Хуршид Дўстмухаммад ўзбекчалаштирган Александр Левковскийнинг “Инсон, уруш, муҳаббат” хикоясининг бир қа- дар оддий матни замиридаги маънолар қатлами ўқувчини бе- фарқ қолдирмайди. Шунингдек, Роттердамлик Эразмининг “Но- донлиқа қасида” (таржимон Шукур Жаббор), Владимир Ко- роткевичнинг “Кўҳна афсона” (Рисолат Ҳайдарова таржимаси) ҳамда Михаил Задорновнинг



“Ҳаётий ҳажвиялар”и (Расулжон Суҳторов таржимаси) ҳам шу сонда босилган.

Инглиз тилидан Шерзод Ко- мил Халил таржимасида берил- ган Томас Элиот шерьиятидан

намуналар бу улуг шоир ижоди- ёти билан яқиндан танишиш им- кониятини тақдим этади.

Россиялик тарихчи Эдвард Радзинскийнинг “Князь. Чаким- чининг хотиралари” номли тари- хий-ҳужжатли монографиясида Романовлар сулоласи, тахт учун кечган бешафқат курашлар ҳақи- да ҳикоя қилинади. Асарни Жа- лолиддин Сафоев ўтирган.

Қозоқ адабиётининг мумтоз намоёндаси Абайнинг “Китоби тасдиқ” (таржимон Баҳодир Ка- рим) асари, қозоқ адабиётшуно- слари таъкидича, “Абайнинг кей- инги авлодлар учун қолдирган васият сўзидир”. Салим Ашур- нинг “Сўз ва фикр ўз ўрнини топса...” сарлавҳали мақоласида ўтган йили “Жаҳон адабиёти”да эълон қилинган шерьий таржи- малар тахлил қилинган. Рустам Мирвоҳиднинг “Ғазал ва тах- мис уйғунлиги” мақоласи XVIII асрда яшаб ижод қилган Мухам- мадниёз Нишотийнинг улуг озарбайжон шоири Мухаммад Фузулийга издошлиги мавзусига бағишланган.

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО НУФУЗИНИ ЯНАДА ОШИРАДИ

Бобур юрти Андижоннинг энг хушманзара гўшаси Хонобод шаҳрида шу йилнинг 18-20 июль кунлари “Дунё садолари” халқаро миллий эстрада санъа- ти фестивали бўлиб ўтади.

Айни кунларда мазкур фестивалга қизгин тайёргарлик қўрилмоқда. Тайёргарлик до- ирасида олиб борилаётган ишлар хусусида Андижон вилояти Маданият ва туризм бош- қармаси бошлиғи Марҳабохон Сатторова қуйидагиларни гапириб берди:

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев та- шаббуси билан мамлакатимизда илк бор ўт- қазилаётган “Дунё садолари” халқаро мил- лий эстрада санъати фестивалида дунёнинг 40дан ортик давлатларидан эстрада санъати гуруҳлари, хонандаларнинг иштирок этиши қутулмоқда. Келгусида хар икки йилда бир марта ўтказиб борилиши белгиланган ма- зкур фестиваль, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошира- ди. Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазири, Андижон вилояти хокимлиги томонидан мазкур фе- стивалга қизгин тайёргарлик қўрилмоқда. Асосий тадбирлар бўлиб ўтадиган Хонобод шаҳрининг марказий маданият ва истироҳат

боғидаги катта майдонда махсус саҳна ҳамда томошабинлар учун жойлар барпо этилмоқда.

Таникли мутахассис Бахтиёр Несьма- тов бошчилигидаги усталар, мутахассис- лар меҳнат қилмоқда. Саҳна тайёр бў- лиши билан безаш ва декорация ишлари ҳам бошланади. Халқаро фестивалнинг очилиш маросимини чиройли ва юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қа- ратилмоқда. Эртадан Оммавий тадбир- лар ўтказиш дирекцияси бош режиссёри Рустамжон Шамсуддинов раҳбарлигидаги ижодий ишчи гуруҳ иш бошлайди. Шу- нингдек, ижодий ишчи гуруҳ таркибида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Зиёда Мадрохимова, Рушана Султонова сингари таникли мутахассислар ҳам иш олиб боради.

Бир сўз билан айтганда, тайёргарлик жараёнлари белгиланган режа ва сцена- рий асосида олиб борилади. Фестиваль

доирасида шаҳарнинг турли худудларида ташкил этиладиган маданий-кўнгилочар тадбирларда Қоракалпоғистон Республи- каси, шунингдек, республикамиз вилоят- ларидан келадиган фольклор-этногра- фик жамоалар, эстрада хонандаларнинг чиқишлари ҳам ташкил этилади. Ана шу маданий-кўнгилочар тадбирлар учун ҳам алоҳида дастурлар тайёрланмоқда. Бундан ташқари, Андижон вилояти хо- кими Шухратбек Абдурахмонов раҳбар- лигида фестивалнинг барча ташкилий масалаларини ҳал этиш бўйича оператив штаб ташкил этилган. Ташкилий ва бош- қа йўналишлар бўйича ҳам зарур барча ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, му- тасадди ташкилотлар томонидан мадания- т ва истироҳат боғини ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш, шаҳар кўчаларини таъмирлаш, ёритгичлар ўрнатиш, таржи- мон, волонтер ҳамда гидлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича курслар ташкил этилган.

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА

Хута ГАГУА,
Гуржистон



Август тонларининг салкин эпкини,
Она табиатнинг сирли овози.
Менга насиб этди гулбахт некбини,
Яна бошландими сурур парвози!
Чайкалади ўрмон, тоғлардан майин
Туман сийраклашиб борар тобора.
Икки кадам кўйсанг етасан, тайин –
Бахт ҳам сен томонга юрмоқда, кара!
Мен – мендирман, баланд дарахт мисоли
Оқаётган сувлар бўйида шодон.
Кўлларимни ёйсам, булутлар ёли
Кўлларимга тегар харир, покдомон.
Бутоқларим ўсди уфққа қалар,
Сайроки куш унда сайраётди хуш.
Куйларида севинч ва хайрат оқар,
Овозинг бунчалар қудратли, эй, куш!
Унинг ҳам ороми йўқ менинг каби
Кун бўйи тинмайди, тинмайди, фақат
Осмонга талпинар орзуманд қалби
Ёнади – оловли ишқ ила хасрат.
Хузур бағишлайди сувлар бўйида
Кўк ва замин аро кўтариб бошим
Яшмоқ – эзгулик ва бахт ўйида,
Ҳамиша куйласа мен-ла куёшим!

ДЕҲҚОН

Бадковок бойкушлар тун чоғи
Кундузги нурларни излашар.
Деразам ортида
Меваси мўл-кўл
Олма дарахтлари бутуқларида
Чайкалади осмон.
О, нақадар энгил
Узилар кўкдан
Олма юлдузлар!
Сен шу қадар ёшсан!
Шу қадар содда! –
Бошинг айланади,
Жаннат мева
Хидлари илохий,

Кўл етмас сехр...
Тун бўйи
Хиргойи қилдим тонггача.
Овозим пастлатдим –
Олма дарахтин
Оқлаётган
Дехқонни беҳос
Чўчиб юборгим келмади.

ТУГИЛГАН УЙ

Шамол тинди,
Шивалар ёмғир.
Тайёрағоҳ салкин хавоси,
Урилади кўксимга хузур,
Шошилмасдан кўтариламан,
Нафасимда – юртим навоси.
Лаззатлидир парвоздан парвоз,
Осон эмас – кўниш туйғуси.
Табиийдир, содда, бепардоз,
Ташвишлари битмас заминга,
Яна уйга қайтмоқ орзуси.
Қалб куйлайди,
Илломинатор
Сенга қарар,
Сен эса – ерга.
Учқур ҳаво кемаси такрор
Ошиқади бўлиққан дала,
Яшил ўтлоқ, яйлов ва қирга.
Она уйим – онажон шахрим,
Кимматлигим, бекиёслигим.
Сени кўрсам, очилар баҳрим,
Унутилар Париж соғинчи,
Қадим Рим ҳам кўздан йўқолар.
Ёзи илик хавасларимда
Самодан ҳам яқин ва азиз,
Жонга туташ бир тутам майса.
Менинг каби хатто темир куш
Она юртим –
Она тупроқдан
Кўтарилар истамайгина...

УФҚ

Ўнгимда ҳам, тушимда ҳам
гамгин нигоҳлар,
Кўзёшларим ёйилади, дунё сарсари.
Видоли елар сукутлар, охлар,
Поезд елар уфқ, қунботар сари.
Кенгликни силкитар
қучли чинқирик,
Мени чирмаб олар поезд шовқини.
Видоли қарашлар –
шафқат билмас ўқ,
Улар мени адо қилар бир куни...

ТАШНАЛИК

Кузги намхуш ҳаволар таъзим
Қила-қила кирди шахарга.
Болаларча содда табассум,
Тиник нурлар тўлар сахарга.
Кўзларимда – биллур шабнамлар,
Шаффоф кўллар мовий ва тубсиз.
Намланиди кўзларда ғамлар,
Юлдузларга айланар олис.
Умрим йўли узун, дил – овчи,
Ташналигим асло қонмади.
Менинг каби ҳеч бир йўловчи
Бундайн хис билан ёнмади.
Кўрилади қадрдон чирок,
Ўчмас ота уйим ўчоғи.

Янги таржималар

Отажоним меҳридай қайноқ
Нурланади осмон кучоғи.
Онам ҳамон кўринади ёш,
Сувга кетиб қайтиб келмади.
Кўза каби чил синди бардош,
Биров билди, биров билмади.
Умрим йўли узун, дил овчи,
Ташналигим асло қонмади.
Менинг каби ҳеч бир йўловчи
Бундайн хис билан ёнмади.

Рус тилидан
Ойгул СУЮНДИКОВА
таржималари

Рўзимурод БОЛҚИЕВ



Чўмолнинг ўқинчи

Дон излаб чикдик, бироқ,
Топганимиз бир увок.
Афуски, товукка биз
Ўлжа бўлдик ўша чок.

қисқа жавоб

– Исминг нима?
– Шерали.
– Тилинг бунча
Ширали?
– Кўп бўлмади,
Бўлди сал.
Еган эдим
Мен асал.

Болалар бекати

Шундандир
Тилим ширин.
Айтиб қўйдим- а,
Сирим.


қим қуйибди

Мушугим болалади,
Тўртта, ночор аҳволи.
Қаранг-ки, мўйлов қўйган,
Хайрият, йўқ соколи.
Кўзлари кўрмаса-да,
Бари сутга тўйибди.
Қаранг, мўйлов қўйишни,
Уларга ким қўйибди.

муносиб жавоб

“Оғзинга қараб гапир” –
деди Раъно Саҳобга.
Саҳоб жуда сўзга бой,
Қулоқ тутинг жавобга:
– Хўп отажон, албатта,
Тушундим сўзингизни.
Менга-чи, бериб турун,
Қизганмай кўзгунгизни.

Гул кўп, чаман кўп...



ТУРГЕНЕВ ВА МОПАССАН

Атоқли француз адаби Гюстав Флобер 1876 йили машҳур адабий йиғинлардан бирида Мопассанни Иван Тургенев билан таништириб қўяди.

“Ёш романистлар мактабининг энг истеъдодли вакили жаноб де Мопассан”, – деб таъкидлайди Тургенев ёзувчи асарларини нашрга тавсия этар экан М. М. Стасюлевичга.

Тургенев Мопассан ижодини қанчалик юксак баҳолагани замондошларининг хотираларида ҳам учрайди. “Бошқаларга қараганда у кўпроқ Ги де Мопассанга умид билан қарарди... – деб хотирлайди И. Я. Павловский. – Мопассан унга ўз асарларини кўлзма холида ўқиб берарди. Иван Тургеневнинг эътирофи эътишча, Мопассаннинг “Une Vie” (“Ҳаёт”) асари – ноёб дурдона. Бу асардан у шунчалик хайратга тушадикки, хатто М. М. Стасюлевичга уни кўлзма холида сотиб олишни таклиф қилди...”

Мопассан ўзини Тургеневнинг шоғирди деб санарди. Унинг “Телье уйи” номли хикоялар китоби шундай сўзлар билан чоп этилган: “Иван Тургеневга бағишланади – чуқур эҳтиром ва буюк хайрат билан. Ги де Мопассан”.

1880 йили Гюстав Флобер вафот этганидан кейин француз ёзувчилари орасида Тургенев учун энг яқин инсон Мопассан бўлиб қолади.

Мопассан ҳам, ўз навбатида, рус адабини беихоҳ хурмат қилади. У “Иван Тургенев” очеркида (1883 йил 5 сентябрда “Gaulois” газетасида эълон қилинган) ўзaro муносабатлар, назик руҳий кузатувлар асосида рус адабининг портретини чизади. Бундан ташқари, Мопассан Тургенев ҳақида яна учта асар – “Нигилизм” сўзининг ихтироси” (1880), “Фантастик” ва “Тургенев ҳаётини лавҳа” (Мопассаннинг “Кўркув” но-велласидаги лавҳани яратган. Бу лавҳада ёзувчи ўзи Тургеневдан эшитгани – ўрмонда ақдан озган аёлга дуч келгани ва унинг азоб-қубатлари ҳақида хикоя қилади. Француз адаби, аслида бизга Тургенев “Овчининг хотиралари” китобига киритмоқчи бўлган, аммо киритолмаган фикрни тақдим қилади.

Тургенев номи XIX аср иккинчи ярми Франция маданияти тарихи билан чамбарчас боғланган. “Тургенев киёфасида француз-рус адабий алоқалари тарихида илк марта бир давлатнинг буюк ёзувчиси бошқа мамлакатдаги буюк бир адабий ҳаракатни яратишда фаол ва бевоқифа иштирок этганини кўрамиз”, деб ёзди С. А. Макашин. Тадқиқотчи Тургенев Франция ёзувчилари билан дўстона муносабатда бўлган деган хулосага келади.

Бу фикрни Мопассан, А. Доде, П. Мериме, Поль Бурже ва бошқаларининг Тургенев ҳақидаги мақола ва хотиралари ҳам тасдиқлайди.



Ги де Мопассан И. Тургенев ҳақида шундай ёзган эди: “У ўзи тўлқинли ва фахрланган Пушкин каторида, шоир Лермонтов ва романист Гоголь қаторида Россия томонидан чуқур ва мангу эътироф этилмоғи лозим, чунки у Россия халқига бебаҳо ва боқий – ўз санъатини, ўлмас асарларини, дурдона ва боқий шон-шарафини қолдирди – бу ҳар қандай бошқа шон-шарафлардан юксак туради! Унга ўхшаш инсонлар ўз ватанига князь Бисмаркка ўхшаганлардан кўра кўпроқ хизмат қилганлар: улар дунёнинг олижаноб ақллари муҳаббатини қозонганлар.

У Францияда Гюстав Флобер, Эдмон Гонкур, Виктор Гюго, Эмиль Золя, Альфонс Доде ва давримизнинг барча машҳур санъаткорлари билан дўст эди”.

Ҳабиб СИДДИҚ



тиб, биров ўтгач қўлида галстук билан чиқиб келди.
– Мана, кўриб қўйинг, дадаси.
– Нимасини кўраман? – деди эр бепсандлик билан.
– Галстук! Бир тақиб кўрасизми?
– Энди бунга ҳам пул сарфлаганингни айтиб қон босимини кўтармоқчимисан?
– Йў-ўқ, дадаси, – деди хотин нозлиниб.
– Эски кўйлагимдан сизга галстук тикиб қўйдим. Тежамкорлигимга энди қойил қоларсиз, дадажоним.
Эрнинг башараси баттар тундлашди.
– Э-э, мутлақо қойил эмасман.
– Ие, нега? – деди хотин ўқсиниб.
– Мен сенинг тежамкорлигинга қачон тан беришим мумкинлигини айтишим?
– Айтинг, – деди хотин ошиқиб.
– Менинг эски галстугимдан ўзингга қўйлақ тикиб олганингдан!
Хотин хайратга тушганидан тили лол бўлиб қолди.

Тежамкор эр

Дарвозадан кириб келган эрнинг кўзи ховли супураётган хотинига тушди-ю, хуноби ошиб, пешонаси тиришди.
– Хай-хай, эсинг жойидами ўзи?..
– Ие, келдингизми, дадаси. Қарамабман-а?..
– Шунақа, қарамайсан. Қилган ишингни қара-я!
– Ҳа, нима қилибман, – хайрон бўлди хотин.
– Ахир, шунақа ҳам супурасанми?..
– Тушунмадим.
– Нимасини тушунмайсан?.. Бунақа супуришга супурги чидайди?.. Тўрт кунда ёйилиб тугайди-ку!
– Ҳа-а, шунга шунчами?
– Шунақа-да! Супургини эҳтиёт қил, деб сенга неча марта айтганман. Қара бунинг аҳволини, – хотини кўлидаги супургига ишора қилиб давом этди эр. – Бозордан олиб келганингга ҳали икки йил бўлмай ярми ёйилиб кетибди. Аста, оҳиста супурсанг, узокқа етади.
– Хўп, дадажониси, – дея жилмайди хотин эрнинг феълени яхши билганидан гапни чўзмади.
– Хўп дейсану билганингдан қолмайсан. Четроқда турган полиэтилен халтачага кўзи тушган эрнинг яна жиғибийрони чиқди:
– Ие, манави нимаси энди?
– Пўчок.
– Кўриб турибман – пўчок! Лекин, буни қара, намунча қалин ардинг. Сенга неча марта айтганман, сабзи билан картошканинг пўчоғини юпқорик арчинг, деб. Неча йилдан бери сенга ўргатолмадим. Ҳалиям қалин-қалин арчиб, қанча сабзавотни увол қилдинг, хотин.

– Вой-во-ей, шунга шунчами?..
– Ие, бўлмасам-чи?.. Анави ўн тўрт йил аввал олган катак қўйлагимни ҳам ора кунда ювавериб рангини ўчирдинг. Бўлмас, ҳали анча вақт кийишим мумкин эди. Эҳтиёт қилишни билмайсан, хотин.
– Хўп, дадаси. Энди эҳтиёт қиламан, – деди хотин бир ютиниб.
– Э-э, неча марта айтгансан бу гапни. Лекин амал қилмайсан.
Деразага қараб, бир нима эсига тушгандай:
– Ҳа, дарвоқе, ўтган куни манави ойнани ардинг-а?
– Ҳа, артинди.
– Шунақа қаттиқ ардингки, ўша пайтда ойналар юпкалашиб тешилиб қолмасайди, деб юрагимни ховучлаб ўтирдим. Са-ал секинроқ-да, ахир. Бу уй, бу ойналар отамдан қолган-а!.. Пулдинг қуймаганда, кадрига етмайсан.
– Бирам ваҳимачисиз-ей, дадаси.
– Ваҳимачилик эмас бу, тежамкорлик, хотин. Сенга ўргатолмай халакман. Бугун нима овқат қиялсан?
– Манти қиялдимиз.
– Ҳа, яхши. Ҳойнаҳой кўк мантидир ё картошкалими?
– Йўқ, гўштли.
Эрнинг жаҳли чиқиб овози бир парда кўтарилди:
– Ие, сенга айтганим-ку, гўштни тежа деб, меҳмон-пехмон келганда ишлатамиз. Ўзимизга ана кўкданми, жа-а бўлмаса, картошка ё ковок манти ҳам ёмон эмас, соғлиққа қони фойда.
– Бир гўштли манти ейлик дедим-да, дадаси, – деди хотин вазиятни юмшатиш

учун ялинчок оҳангда. Сал ховридан тушган эр фикрларини далиллашга тушди:
– Кўп гўшт есанг қон босиминг кўтарилади. Ана унда дорихонага қатнаб, пойабзалнинг тағи тешилади. Дори-дармоннинг нархини биласанми ўзи? Осмонга чиқиб кетган. Бунақада уйимни қуйдирасан-ку, хотин.
Бирдан хотиннинг оёқ кийимига кўзи тушиб яна сўроққа тутди:
– Ие, онаси, шиппак олибсанми?
– Ҳа, олдим. Ярашибдими? – деди хотин оёғини сал кўтариб.
– Ярашибдими, дейсан-а?.. Нима кераги бор шу матахнинг?.. Ана омборхонада эски қалишим ётибди-ю. Орқа тарафини қайчилаб олиб ташласанг, бинойидек шиппак. Бемалол уч-тўрт йил судраб юрсанг бўлади.
– Во-ой, шунга билмабман-а? – дея кесатди хотин.
– Сенга эрталаб ишга кетаётганимизда газни, чирокни ўчириб, сув жўмрақларини берки-тиб кет, деб доим тайинлайман.
– Шундай қиялман ўзим ҳам, дадаси.
– Энди ишга кетаётганимизда анави девордаги соатни ҳам тўхтатиб қўйиб кетасан.
– Во-ой, нега?
– Ҳамма ишга кетгандан кейин соатнинг юриши кимга керак. Ахир, унинг мурватлари ёйилади-ку, эси паст хотин. Ишдан қайтгач, яна юритиб қўясан-да.
– Вой буй, намунча энди?..
– Тежамкорликни ўрган, хотин, тежамкорликни!
Бирдан ниманидир эслагандай кўзи чакнаган хотиннинг супургиси қўлидан тушди, “Хозир, дадаси” деганича тезгина уйга кириб ке-

ЎЗБЕКISTON
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100202,
Боғишамол кўчаси, 7.

Электрон почта манзили:
uzas.gzt@mail.ru

Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош мухаррир
ХУМООН АҚБАРОВ

Тахриратга келган кўлзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нукта назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи мухаррир Шухрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адали - 1097 Буюртма Г - 638.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Босишга топириш вақти - 21.00.
Босишга топиришди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2303-614X